

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

14-сон
(1190)
2025 йил
апрель

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

129. «Республика ҳудудларини жадал комплекс ривожлантириш учун танлаб олинган туман (шаҳар)ларда амалий чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 1 апрелдаги ПҚ–132-сон қарори
130. «Ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ва беҳуда сарфланишининг олдини олиш ҳамда энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 1 апрелдаги ПҚ–133-сон қарори
131. «Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишда эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 2 апрелдаги ПҚ–134-сон қарори

Учинчи бўлим

132. «Республикада лимончилик соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 2 апрелдаги 198-сон қарори
133. «Мойлаш материаллари, техник мойлар ва техник суюқликлар хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 2 апрелдаги 199-сон қарори
134. «Автомобиль транспортида йўловчи ташиш фаолиятини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 2 апрелдаги 200-сон қарори

Бешинчи бўлим

135. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 19-martdagi 241-son hamda Ichki ishlar vazirligining 2025-yil 17-martdagi 10-son “Bojxona chegarasidan olib o‘tilayotgan avtotransport vositalarini bojxona rasmiylashtiruvidan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga qo‘shimchalar va o‘zgartirish kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 1-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2156-6*)
136. O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasining 2025-yil 17-martdagi 2025-05-son “Soliq to‘lovchilar to‘g‘risida hisob ma‘lumotlarini yuritish, bu ma‘lumotlarni uchinchi shaxslarga taqdim etish, shuningdek soliq to‘lovchilarning ayrim toifalari uchun ma‘lumotlar tarkibini shakllantirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 4-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3237-3*)
137. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 20-martdagi 5/11-son “O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining esdalik pul belgilarini tayyorlash, sotish va qaytarib xarid qilib olish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 4-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3320-1*)
138. O‘zbekiston Respublikasi oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2025-yil 7-martdagi 90-son “O‘rta maxsus, kasb-hunar ta‘limi tashkilotlarida yakuniy davlat attestatsiyasini o‘tkazish tartibi to‘g‘risida nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 4-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2011-4*)
139. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 27-martdagi 6-2025/B-son “Bog‘lar hamda madaniyat va istirohat

bog'lari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalariga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 4-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2160-2*)

140. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 28-fevraldagi 343-B-13-son va Bosh prokuratura huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining 2025-yil 14-fevraldagi 12-son "Tijorat banklarida jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo'yicha ichki nazorat qoidalariga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 4-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2886-11*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

129 Республика ҳудудларини жадал комплекс ривожлантириш учун танлаб олинган туман (шаҳар)ларда амалий чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 декабрдаги «Худудларда юқори иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш ҳамда бу борада маҳаллий ҳокимликларнинг роли ва масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–223-сон Фармонида белгиланган асосий вазифаларни амалга ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Республика ҳудудларини жадал комплекс ривожлантиришнинг асосий мақсадлари этиб 16 та туман (шаҳар)да:

(а) саноат ишлаб чиқариши ҳажми ўртача 7-8 фоизга, бозор хизматлари ҳажми 15 — 17 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми 4-5 фоизга барқарор ўсишини таъминлаш;

(б) ишсизлик даражасини 4-5 фоизга, камбағаллик даражасини 5-6 фоизга пасайтириш, бунда Қўнғирот, Асака, Ғаллаорол, Денов туманлари ҳамда Марғилон шаҳрини ишсизлик ва камбағалликдан холи худудга айлантириш;

(в) улар марказларида аҳоли яшаши ва тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароит яратиш белгилансин.

II. Худудларни жадал комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар

2. Туман (шаҳар)ларни жадал комплекс ривожлантириш дастурлари (кейинги ўринларда — Дастур) ишлаб чиқилгани ва Дастур доирасида туман (шаҳар)ларда юқори иқтисодий ўсишга туртки берувчи ижтимоий ва инфраструктура лойиҳаларини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 1 триллион сўм маблағ ажратилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда қуйидаги лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилсин:

(а) саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш;

(б) инфратузилмани ривожлантириш, «яшил» тамойил ва ёндашувларни ҳамда рақамлаштиришни жорий қилиш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 4 апрелда эълон қилинган.

(в) хизматлар соҳасини ривожлантириш, жумладан, креатив индустриялар, туризм ва йўлбўйи инфратузилмаси имкониятларини ишга солиш;

(г) туман (шаҳар)лар марказларида аҳоли яшаши ва тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароит яратиш;

(д) касбга ўқитиш, замонавий ёшлар микроҳудудини ташкил қилиш каби тадбирларни амалга ошириш.

3. Белгилансинки, Дастур доирасидаги туман (шаҳар)ларда:

(а) хорижий ҳамкорлар иштирокидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси лойиҳаларини амалга ошириш, уларни пилот тариқасида танлаш ҳамда халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилишга устуворлик берилади;

(б) 2026 йилдан бошлаб кўп қаватли уй-жой массивларини қуриш тартиби мазкур қарор доирасидаги туман (шаҳар)лар марказидаги эски уй-жойлар ўрнида реновация дастури асосида қуриладиган объектларга ҳам татбиқ этилади.

4. Қуйидагилар:

(а) жадал комплекс ривожлантириш белгиланган туман (шаҳар)ларнинг 2025 йилга мўлжалланган иқтисодий ўсиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ;

(б) туман (шаҳар)ларни 2025-2026 йилларда жадал комплекс ривожлантириш дастури 2.1 — 2.16-иловаларга* мувофиқ;

(в) Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига жадал комплекс ривожлантириш белгиланган туман (шаҳар)ларда ер фонди тоифасини ўзгартириш бўйича таклифлар киритиладиган ер участкалари рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Давлат активларини бошқариш агентлиги, Кадастр агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда аҳоли ва тадбиркорлар учун қулай шароит яратиш мақсадида 4-иловага* мувофиқ туман (шаҳар) маҳаллий бошқарув органларини хатловдан ўтказиб, уларни бир жойда жойлаштириш бўйича лойиҳа концепциясини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Дастур доирасидаги туман (шаҳар)ларда маҳаллий бошқарув органларини бир жойда оптимал жойлаштириш бўйича амалий дастурни тасдиқласин. Бунда кўп қаватли ёки янги қуриладиган маъмурий биноларнинг 1 ва 2-қаватларида тадбиркорлик субъектлари томонидан савдо ва сервис фаолиятини йўлга қўйиш назарда тутилсин.

7. Белгилансинки:

(а) маъмурий бинони янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш маҳаллий бюджетнинг ички имкониятлари, бюджет ссудаси ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

(б) маҳаллий бошқарув органларининг бўшайдиган биноларини сотишдан тушган тушумлар бюджет ссудасини қайтаришга йўналтирилади.

* 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

III. Худудларда аҳоли учун қулай шарт-шароитларни яратиш

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва Туризм қўмитаси билан биргаликда:

(а) 2025 йил 1 июлга қадар Дастур доирасидаги туман (шаҳар)лар марказларининг ишлаб чиқилганига 10 йилдан ортиқ муддат бўлган бош режаларини 3 та тоифадаги (реновация, реконструкция ва консервация) зоналарга ажратиб, содалаштирилган тартибда ҳамда аҳоли ва тадбиркорлар таклифларини инобатга олган ҳолда янгиланган бош режа лойиҳалари;

(б) бир ой муддатда Асака, Гиждувон, Ғаллаорол, Хатирчи, Чортоқ, Сирдарё, Денов, Қува, Шовот туманлари ва Янгийўл шаҳри марказлари ва уларга туташ худудларда аҳоли ва сайёҳларнинг яшаши, дам олиши ва сайр қилиши ҳамда хизматлар ва бошқа йўналишларда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитлар яратишга қаратилган мастер режа лойиҳалари;

(в) икки ой муддатда Хатирчи, Қува ва Чортоқ туманларида туризм йўналишидаги мастер режа лойиҳалари;

(г) икки ҳафта муддатда Макроиқтисодий ва худудий тадқиқотлар институти томонидан германиялик экспертлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Яккабоғ ва Булунғур туманларини комплекс иқтисодий ривожлантириш бўйича мастер режа лойиҳалари;

(д) уч ой муддатда хорижий компанияни жалб қилган ҳолда Қўнғирот ва Чимбой туманлари марказларини комплекс ривожлантириш бўйича мастер режа лойиҳалари ишлаб чиқилишини яқунлаб, тасдиқласин.

Бунда бош режа ва мастер режа лойиҳалари тасдиқлангандан сўнг уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

(а) 2025 йил 1 июлга қадар барқарор иқтисодий ўсиш учун фойдаланилмаган юқори имконият ва захирага эга бўлган 30 та урбанизация худудини танлаб, уларнинг рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(б) 2025 йил 1 ноябрга қадар 2026 йил ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа дастурлар асосида, шунингдек, давлат ташқи қарзи ҳисобидан амалга ошириладиган инфратузилма лойиҳаларини қамраб олувчи 30 та туман (шаҳар) бўйича аниқ режаларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2025 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 февралдаги ПФ–18-сон Фармони талаблари асосида Дастур доирасидаги туман (шаҳар)ларда (Янгийўл ва Марғилон шаҳарлари бундан мустасно) пахта ва ғалла майдонларидан ташқари бўш турган ер участкаларини танлаб олиб, камида 500 гектардан ер майдонларини электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарсин.

11. «Uzagrostar holding» компанияси бириктирилган тижорат банклари билан биргаликда тегишли туманларда:

(а) 10 кун муддатда юқори малакали хорижий агротехнолог, маркетолог, бренд-менежер мутахассисларни ихтисослашган компанияларга жалб қилиш бўйича шартномалар имзоланишини таъминласин;

(б) бир ой муддатда туман ва маҳаллалар ихтисослашувидан келиб чиқиб, аҳоли томорқалари ва узоқ муддатли ижарага берилган ер майдонларда бир хил турдаги уруғ ва кўчат навлари етказиб берилиши ва экилишини ташкиллаштирсин;

(в) икки ой муддатда узоқ муддатли лизинг асосида транспорт воситаларини харид қилиш ва бунда деҳқон хўжаликлари ҳамда аҳоли томорқаларига арзон ва сифатли транспорт хизматларини кўрсатиш амалиётини йўлга қўйсин;

(г) 2025 йил 1 сентябрга қадар камида 1 гектар майдонда «яшил технологиялар», жумладан, қуёш панеллари, гелиоколлекторлар, томчилатиб суғориш ва лазерли текислаш ускуналари, иссиқлик насосларидан фойдаланган ҳолда замонавий иссиқхона, плантациялар, агрологистика марказлари ва бошқа очиқ майдонларда ташкил этиладиган лойиҳаларни амалга ошириш дастурини тасдиқласин ва ижросини таъминласин.

IV. Молиявий ресурслар

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси номидан:

(а) 2025 йил 1 сентябрга қадар Жаҳон банки иштирокидаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлиги ва шаҳарлар барқарорлиги учун натижага асосланган молиялаштириш» (PforR) лойиҳасини молиялаштириш бўйича 250 миллион АҚШ доллари миқдоридagi қарз битими имзоласин;

(б) 2025 йил 1 декабрга қадар Осие тараққиёт банки иштирокидаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлиги ва шаҳарлар барқарорлиги учун натижага асосланган молиялаштириш» (RBL) лойиҳасини қўшимча молиялаштириш учун 150 миллион АҚШ доллари миқдоридagi қарз маблағларини жалб этиш бўйича келишувга эришсин.

13. Ҳазорасп тумани жадал комплекс ривожлантириш дастури лойиҳалари ишлаб чиқиладиган туман (шаҳар)лар рўйхатига киритилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2025 йил давомида Дастур доирасидаги туман (шаҳар)ларни жадал комплекс ривожлантириш учун Давлат бюджети харажатларининг мақбуллаштирилган қисми ҳисобидан қўшимча 120 миллиард сўм маблағ ажратсин.

14. Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоровга маҳаллий ҳокимликлар билан келишилган ҳолда Давлат бюджети параметрларида жадал комплекс ривожлантириш учун кўзда тутилган маблағларнинг тегишли харажат йўналишларини белгилаш ва қайта тақсимлаш ҳамда лойиҳаларга ўзгартириш киритиш ваколоти берилсин.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда Дастур доирасидаги туман (шаҳар) ҳокимликларида ҳуқуқий эксперимент тариқасида 2026 йил 1 январга қадар «Аҳоли ва тадбиркорлар манфаатларига хизмат қилиш» янгича ёндашуви асосида Лойиҳа офиси фаолиятини йўлга қўйсин.

Бунда туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлими ва камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими амалдаги штатлари доирасида 3 нафаргача малакали ходимлар жалб қилинсин.

Лойиҳа офисининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

(а) Дастур доирасида амалга ошириладиган лойиҳа (тадбир)ларнинг тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва ҳар бир лойиҳага масъулларни белгилаш;

(б) лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича ташаббускорларга қўмаклашиш;

(в) аниқланган муаммо ва масалаларнинг ечими бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва республика даражасида ҳал этиладиган масалаларни ҳокимлик орқали вазирлик ва идораларга юбориш;

(г) амалга ошириладиган ишларни мониторинг қилиш ва натижаси бўйича ҳоким ҳузурида муҳокамаларни ташкил этиш.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 10 кун муддатда мазкур қарорнинг 2.1 — 2.16-иловаларида назарда тутилган тадбирларни Дастур доирасидаги туман (шаҳар)ларнинг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йиллик дастурларида инобатга олиш бўйича Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига таклиф киритсин.

17. Белгилансинки, мазкур қарор ижроси:

(а) ҳар ойда икки мартаба Дастур доирасидаги туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тегишли туман (шаҳар) бўлим ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида;

(б) ҳар ойда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тегишли бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида;

(в) ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамасида тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилиб борилади.

18. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга ҳамда белгиланган муддатларда амалга оширилишига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари шахсан масъул этиб белгилансин.

20. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўрин-

босари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 1 апрель,
ПҚ–132-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

130 Ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ва беҳуда сарфланишининг олдини олиш ҳамда энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида*

«Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йилида энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ва беҳуда сарфланишининг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқларида, давлат идораларида ва ижтимоий соҳа объектларида ҳамда аҳоли хонадонларида энергия тежамкорлиги ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Худудларда истеъмолчиларни муқобил энергия ресурсларидан фойдаланишга ўтказиш ҳамда энергия тежовчи технологияларни ўрнатиш орқали 2,5 миллиард кВт соат электр энергиясини ва 1,1 миллиард метр куб табиий газни иқтисод қилишга эришиш, шу жумладан:

(а) истеъмолчилар томонидан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланиш ҳамда қўшимча 74 мингдан ортиқ объектда жами қуввати 785 МВт бўлган қуёш панелларини ва 9 мингдан ортиқ 1,2 млн литрли қуёш коллекторларини ўрнатиш ҳисобига 1,6 миллиард кВт соат электр энергиясини тежаш;

(б) аҳолиси ижтимоий жиҳатдан оғир аҳволда бўлган 300 та маҳаллада қуввати 100 МВтдан ортиқ кичик қувватли фотоэлектр станцияларини барпо этиш ҳисобига 45 миллион метр куб табиий газни тежаш;

(в) қуввати 65 МВтдан ортиқ бўлган 1 мингдан зиёд микро ва кичик гидроэлектрстанцияларни барпо этиш ҳисобига 172 миллион кВт соат электр энергиясини ишлаб чиқариш имкониятини яратиш;

(г) бюджет ташкилотларида энергия тежамкор ускуналардан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига 39 миллион метр куб табиий газни тежаш;

(д) республика худудларида энергия ресурсларини иқтисод қилиш бўйича ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш ҳисобига 730 миллион кВт соат электр энергияси ва 980 миллион метр куб табиий газни иқтисод қилиш.

II. Манзилли ишлаш тизимини такомиллаштириш

2. Республиканинг ҳар бир тумани (шаҳри) кесимида энергия балансини ишлаб чиқиш, уларнинг кўрсаткичларини бажариш, энергияни тежаш дастурлари ижросини таъминлаш, энергия самарадорлигини ошириш бўйича туман (шаҳар) идоралараро ишчи гуруҳлари (кейинги ўринларда — туман

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 2 апрелда эълон қилинган.

(шаҳар) идоралараро ишчи гуруҳлари) 1-иловага* мувофиқ намунавий таркибда тузилсин.

3. Қуйидагилар:

(а) Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат назоратини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика штабига (кейинги ўринларда — Республика штаби) юкланадиган қўшимча вазифалар 2-иловага мувофиқ;

(б) Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат назоратини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий штабларнинг (кейинги ўринларда — ҳудудий штаблар) устувор вазифалари 3-иловага мувофиқ;

(в) туман (шаҳар) идоралараро ишчи гуруҳларининг устувор вазифалари 4-иловага мувофиқ;

(г) ҳудудий штаблар ҳамда туман (шаҳар) идоралараро ишчи гуруҳлари фаолиятининг асосий йўналишлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

(д) ҳар бир туман (шаҳар) да энергия ресурсларини тежаш ва тармоқлардаги йўқотишларни камайтириш бўйича режа кўрсаткичлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида Бош прокуратура ходимлари 6-иловага* мувофиқ туман (шаҳар)ларга бириктирилсин.

4. Адлия вазирлиги (Ташкулов) Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов) ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Норқулов) билан биргаликда бир ой муддатда туман (шаҳар) идоралараро ишчи гуруҳлари вакилларини рағбатлантириш ва интизомий таъсир чораларини қўллаш тартибини (КРІ) назарда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Қуйидагиларга:

(а) вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари биринчи раҳбарлари ва ўринбосарларига — мазкур давлат органлари, шу жумладан, уларнинг тузилмаларидаги ташкилотлар биноларида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланишни жорий этиш ҳамда энергия самарадор қурилмаларни ўрнатиш ишларини ҳар ойлик манзилли режа асосида амалга ошириб, мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилишини қатъий таъминлаш бўйича;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимларига — ҳудудларида электр энергияси ва табиий газни иқтисод қилиш бўйича ҳар ойлик мақсадли режа кўрсаткичларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини ҳамда энергия ресурсларини етказиб беришдаги йўқотишларни камайтиришни қатъий таъминлашга мажбурлиги ва шахсан жавобгарлиги ҳақида;

(в) «Ўзэнергоинспекция» раҳбарига — корхоналар энергоаудитдан ўтказилишини назорат қилиш, уларнинг энергия ресурсларини иқтисод қилишини ташкил этиш бўйича;

(г) «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ раҳбарига — уланган қуввати 50 кВА дан юқори истеъмолчилар электр ускуналарини тежамкор ускуна-

* 1, 6-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларга алмаштириш, конденсатор ускуналари ўрнатиш, электр тармоқларини ва трансформаторларни мукамал ва жорий таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш орқали электр энергиясини иқтисод қилишга эришиш бўйича;

(д) «Худудгазтаъминот» АЖ раҳбарига — газ тақсимлаш пунктларини демонтаж қилиб икки босқичли газ таъминоти тизимига ўтказиш, газ қувурлари ва қурилмаларини кўрикдан ўтказиш ва профилактика қилиш, ностандарт газ қурилмаларини тежамкорига алмаштириш, ерости газ қувурлари ва қудуқларни кўрикдан ўтказиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш тадбирларини бажариш орқали табиий газни иқтисод қилишга эришиш бўйича;

(е) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимларининг қурилиш масалаларига масъул ўринбосарларига — биноларни барпо этишда энергияни тежайдиган материал ва технологиялардан кенг фойдаланиш, айниқса, янги қуриладиган кўп қаватли уйларнинг иссиқликни сақловчи материаллар билан қопланишини таъминлаш ҳамда бу борада қатъий назоратни олиб бориш бўйича;

(ж) энергетика вазирига — мунтазам равишда жойига чиққан ҳолда ҳар ойлик манзилли режанинг ижросини ўрганиш ва бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш бўйича шахсий жавобгарлик юклатилсин ҳамда бу борада қатъий чоралар кўрилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) ҳар ой якунида вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари биринчи раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари ўз ҳудудлари ҳамда соҳаларда электр энергияси ва табиий газни иқтисод қилиш бўйича мақсадли кўрсаткичлар бажарилиши ҳолатини шахсан ўрганиб боради ҳамда бу борада масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбарларга чоралар кўради;

(б) масъул раҳбарлар ҳар чоракда ҳудуддаги муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни жорий этиш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан Халқ депутатлар кенгашларига ҳисобот бериб боради.

7. Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, сиёсий партияларга ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ва беҳуда сарфланишининг олдини олиш ҳамда энергия самарадорлигини ошириш борасида қуйидагилар тавсия этилсин:

(а) қабул қилинадиган қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқнинг қўлланиш самарадорлигини ўрганган ҳолда бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

(б) масъул вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар томонидан амалга ошириладиган ишлар устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш.

III. Ташкилий ва рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар

8. Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов) бир ҳафта муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

(а) «Яшил иқтисодиёт»га ўтишни жадаллаштириш доирасида 2025 йилда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш, истеъмолчиларни муқобил энергияга ўтказиш, энергия тежамкор ва самарадор технологияларни жорий қилиш дастурини тасдиқлаш;

(б) мазкур Дастурни амалга ошириш доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини белгилаш;

(в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг энергия тежамкорлик ва энергия самарадорликнинг мақсадли кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш бўйича туман (шаҳар)лар кесимида ҳар ойлик манзилли режасини тасдиқлаш;

(г) қурилиш соҳасида энергия самарадорлигини ошириш мақсадида кўп қаватли уйлар ва жамоат биноларини лойиҳалаштиришда ва янгидан қуришда электр ва муқобил энергия манбалари, шунингдек, энергияни тежайдиган технологиялардан кенг фойдаланиш;

(д) табиий газдан фойдаланишни оптималлаштириш орқали унга бўлган юкламаларни камайтириш.

9. Соҳада рақамлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

(а) Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов) Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов) ва Марказий банк (Ишметов) билан биргаликда 2025 йил 1 майга қадар Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасининг «Яшил имтиёз» ахборот тизимини ҳамкор тижорат банкларининг тегишли ахборот дастурлари билан интеграция қилсин;

(б) Бош прокуратура (Аминов) ва Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов) Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов), Ўзэнергоинспекция (Ниматуллаев), Божхона қўмитаси (Мавлонов), Солиқ қўмитаси (Кудбиев) билан биргаликда икки ой муддатда ушбу соҳада назорат ва мониторингни амалга ошириш имконини берувчи мавжуд электрон платформаларни мазкур қарор билан белгиланаётган янги талаблардан келиб чиқиб такомиллаштирсин;

(в) Давлат хавфсизлик хизмати «Киберхавфсизлик маркази» ДУК (Мирзаев) ушбу платформаларни уларнинг киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан белгиланган тартибда экспертизадан ўтказсин;

(г) вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларининг раҳбарлари энергия тежамкорлик кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотларни доимий равишда ушбу платформаларда акс эттириб бориш ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига масъул ва шахсий жавобгар этиб белгилансин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш ва таъминлаш

10. Энергетика вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (Джурабаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (Кўчимов) Энергетика вазирлиги (Мирзамахмудов), Бош прокуратура (Йўлдошев) ва Адлия вазирлиги (Ташкулов) билан биргаликда мунтазам равишда энергетика тизимидаги ўзгаришлар, энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда тежамкор ускуналарнинг афзалликларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб борсин.

12. Мазкур қарор ижросининг қўйидаги тартиби белгилансин:

(а) қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб энергетика вазири Ж.Т. Мирзамахмудов ҳамда Бош прокурор ўринбосари Ш.А. Аминов белгилансин;

(б) ҳар бир туман (шаҳар)га бириктирилган Бош прокуратура ходимлари ҳар ойда бир маротаба бевосита жойига чиққан ҳолда туман (шаҳар) хокимлари ва масъул идоралар раҳбарлари томонидан энергия баланси ишлаб чиқилганлиги, энергияни тежаш дастурлари ижросини таъминлаш ва тармоқлардаги йўқотишларни камайтириш борасида ойлик режа кўрсаткичларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан назорат ўрнатсин ҳамда идоралараро ишчи гуруҳларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб борсин.

Бунда бириктирилган ходимларга ҳудудларда таъсирчан ва самарали назоратни ташкил этиш ҳамда натижадорликка эришишнинг барча чораларини кўриш борасида шахсий жавобгарлик юклатилсин;

(в) Бош прокурор ўринбосари Ш.А. Аминов:

(i) ҳудудларга бириктирилган Бош прокуратура ходимлари фаолиятини назоратга олсин ва мувофиқлаштириб борсин;

(ii) ҳар 10 кунда энергетика вазири Ж.Т. Мирзамахмудов билан бирга энергия ресурсларини тежаш ва иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг натижадорлигини муҳокама қилиб борсин ҳамда камчиликка йўл қўйган масъулларга интизомий чора кўриш ҳақида таклиф киритиб борсин;

(г) Бош прокурор Н.Т. Йўлдошев:

(i) бу борадаги фаолиятни ҳар ойда танқидий муҳокама қилиб борсин ва қарор ижросини самарали ташкил этмаган масъул раҳбарларга интизомий чоралар кўриб борсин;

(ii) ҳар ойда амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин;

(д) қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш ва фаолият самарадорлигини ошириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов

ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари Д.Б. Кадилов ва А.С. Султанов зиммасига юклансин;

(е) Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳар чоракда қарор ижроси натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 1 апрель,
ПҚ–133-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 1 апрелдаги
ПҚ-133-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат
назоратини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш
бўйича республика штабига юкланадиган
ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР**

1. Худудларнинг энергия баланси ишлаб чиқилганини, уларнинг кўрсаткичлари бажарилишига риоя этилишини, энергия ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланилишини, технологик ва тижорий йўқотишларни камайтириш чоралари кўрилганини, муқобил энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланиш жорий этилганини, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари энергия ресурслари билан барқарор таъминланишини мувофиқлаштириб бориш.

2. Доимий равишда энергия ресурсларини тежаш, улардан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

3. Ҳар чорак якунида тегишли вазирлик ва идораларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг энергия ресурсларини тежаш бўйича тасдиқланган режалари ва мақсадли кўрсаткичлари ижросини, ҳудудий штаблар ва туман (шаҳар) идоралараро ишчи гуруҳлари фаолияти натижадорлигини танқидий равишда муҳокама қилиб бориш.

4. Муҳокамаларнинг якуни бўйича ҳудуд ва тармоқлар кесимида энергия ресурсларини иқтисод қилиш режаларини бажаришдаги тизимли муаммоларни «махалла — туман — вилоят — республика» тамойили асосида ўрганиб бориш ва уларни бартараф этиш борасида таклифлар киритиш.

5. Энергия баланси кўрсаткичлари ҳамда энергия ресурсларини тежашнинг мақсадли кўрсаткичлари бажарилишида эришилган натижалардан келиб чиқиб, туман (шаҳар) идоралараро ишчи гуруҳлари вакилларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий таъсир чораларини қўллаш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 1 апрелдаги
ПҚ-133-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат
назоратини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш
бўйича ҳудудий штабларнинг
УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ**

1. Ёқилғи-энергия ресурсларини тежаш ҳамда тармоқлардаги йўқотишларни камайштириш бўйича мақсадли режа кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш.
2. Ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ва талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш, уларга барҳам бериш масалаларини ўрганиш.
3. Ёқилғи-энергетика соҳасида назорат ва мониторингни амалга ошириш имконини берувчи электрон платформани ҳудудлар кесимида такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш.
4. Йирик истеъмолчилар учун ёқилғи-энергия ресурсларини тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш.
5. Мунтазам равишда амалга оширилган ишларни танқидий муҳокама қилиб бориш ва белгиланган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш.
6. Вазирлик ва идоралар тизимида энергия самарадорлигига эришиш бўйича 2025 йилда электр энергияси ва табиий газни тежашга қаратилган тасдиқланган ташкилий-техник чора-тадбирлар режаси ижросини назорат қилиш.
7. Ёқилғи-энергетика соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг, дастурлар ҳамда лойиҳаларда белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини мунтазам назорат қилиш.
8. Коррупциявий омилларни мунтазам равишда таҳлил қилиш асосида ушбу соҳани коррупциясиз соҳага айлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.
9. Туман (шаҳар) идоралараро ишчи гуруҳларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ҳар 15 кунда алоҳида график асосида жойига чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 1 апрелдаги
ПҚ–133-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Республиканинг ҳар бир тумани (шаҳри) кесимида энергия
балансини ишлаб чиқиш, уларнинг кўрсаткичларини бажариш,
энергияни тежаш дастурлари ижросини таъминлаш, энергия
самарадорлигини ошириш бўйича туман (шаҳар)
идоралараро ишчи гуруҳларининг
УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ**

1. Ҳар бир ҳудуднинг ойма-ой энергия балансини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

2. Энергия балансининг кўрсаткичларини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

3. Электр энергияси ва табиий газни тежаш бўйича тасдиқланган мақсадли кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш.

4. Йирик саноат корхоналарида энергия ресурсларини тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг бажарилишини ташкил этиш.

5. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ёқилғи-энергия ресурсларидан самарали ҳамда тежамкор фойдаланилишини, шунингдек, электрлаштириш ва бу борада давлат томонидан берилган имтиёزلарни маҳаллалар кесимида тарғиб қилиб бориш ишларини ташкил этиш.

6. Қуёш панели ва қуёш коллектори ўрнатиш имконияти мавжуд тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли хонадонларини аниқлаш ва уларга ушбу тежамкор ускуналарни ўрнатишда кўмаклашиш.

7. Қуёш панели ва қуёш коллекторини, биринчи навбатда, давлат идоралари ходимлари ҳамда аҳоли хонадонларига ва тадбиркорлик субъектларига ўрнатиш бўйича маҳаллий ҳокимликлар билан алоҳида манзилли дастур ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш.

8. Ташқи реклама объектлари ва иллюминация чироқларининг электр таъминоти ҳолатини, улар ягона электр тизимига уланган тақдирда, алоҳида ҳисоблагич билан таъминланганини ўрганиш ёки ушбу объектларда электр таъминотини қуёш панеллари орқали қоплаш чораларини кўриш.

9. Ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа бино-иншоотлар девор ва том қисмлари герметик иссиқлигини сақлаш ҳолати ва энергия самарадорлигини ўрганиб, уларнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича дастур ишлаб чиқиш ҳамда унинг ижросини таъминлаш.

10. Электр ва табиий газ йўқотишларини камайтириш мақсадида ҳар бир нимстанция, фидер ва трансформатор пунктлари ҳамда ҳудудларга бириктирилган масъуллар фаолияти устидан мониторинг олиб бориш.

11. Энергия ресурсларини талон-торож қилиш ва беҳуда сарфлаш билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишга қаратилган назорат тадбирлари самарали ташкил этилишини таъминлаш.

Бунда катта миқдордаги энергия ресурсларини талон-торож қилиш ҳолатларини аниқлаш ва мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш.

12. Тижорат мақсадлари мавжуд жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ёрдамчи хўжаликларни (иссиқхона, оҳак цехлари ва шу кабилар) газ тармоғига ноқонуний улаш, қонунга хилоф равишда майнинг фаолияти билан шуғулланиш ҳолатларини аниқлаш устидан мониторинг олиб бориш.

13. Энергия ресурслари билан боғлиқ жиноят ва ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил жисмоний ва юридик шахслар рўйхатларини шакллантириб бориш.

14. Юқори ва паст кучланишли подстанциялар, трансформатор пунктлари ва электр узатиш тармоқлари техник ҳолатини хатловдан ўтказиш ҳамда хатлов натижаларига кўра аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш, бартараф этишга вақт талаб этиладиган камчиликлар бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, уларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш.

15. Қуввати 50 кВтдан юқори бўлган истеъмолчилар электр қурилмаларида реактив энергияни компенсация қилиш қурилмасини ўрнатиш бўйича тегишли чоралар кўриш.

16. Катта қувватли электр двигателларни ишга туширишда ростлагич қурилмаларни ўрнатиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиб, ижросини таъминлаш.

17. Иситиш мавсумида фойдаланиш учун захира ёқилғи хўжалиги ташкил этилгани ва бугунги кундаги захира қолдиғи миқдори ҳамда унинг сақланиш ҳолатини ўрганиш.

18. Иситиш қозонлари сони ва уларнинг техник ҳолати, бинонинг иситиладиган майдони қозон қувватига мослигини ўрганиб, камчиликларни бартараф этиш бўйича алоҳида назорат олиб бориш.

19. Мавжуд табиий газ қувурлари ҳамда газ тақсимлаш пунктларининг техник ҳолатини тўлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш ва ижроси таъминлишини назорат қилиш.

20. Қуёш панеллари, қуёш коллекторлари ҳамда мини ГЭСлар бўйича 2025 йил режа кўрсаткичлари ижросининг «Яшил энергия» ҳамда «Қуёшли хонадон» ахборот тизимлари ёрдамида назорати ва мониторингини амалга ошириб бориш.

21. «Худудий электр тармоқлари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари», «Ўзтрансгаз» ва «Худудгазтаъминот» АЖларининг тармоқларини модернизация қилиш, жорий ва капитал таъмирлашга доир дастурлар ижросини назорат қилиб бориш.

22. АСКУЭ ва АСКУГ дастурлари узлуксиз ишлашини мониторинг қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиб бориш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 1 апрелдаги
ПҚ–133-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат назоратини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий штаблар ҳамда республиканинг ҳар бир тумани (шаҳри) кесимида энергия балансини ишлаб чиқиш, уларнинг кўрсаткичларини бажариш, энергияни тежаш дастурлари ижросини таъминлаш, энергия самарадорлигини ошириш бўйича туман (шаҳар) идоралараро ишчи гуруҳлари фаолиятининг АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аҳоли истеъмолчилари бўйича:

1. Энергия ресурсларини истеъмол қилиш маданиятини ошириш.
2. Энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш.
3. Энергия тежамкор ускуналар, шу жумладан, гелиоколлектор ва қуёш панелларидан фойдаланиш афзалликларини тушунтириш ва уларни ўрнатишда кўмаклашиш.
4. Энергия тежамкорлик талабларига мос бўлмаган, сертификатланмаган ностандарт қурилма ва жиҳозларни алмаштириш чораларини кўриш.

Ижтимоий соҳа муассасалари бўйича:

1. Энергия ресурсларини истеъмол қилиш маданиятини ўргатиш.
2. Энергия тежамкор ускуналар, шу жумладан, гелиоколлектор ва қуёш панелларидан фойдаланиш афзалликларини тушунтириш ва уларни ўрнатишда кўмаклашиш.
3. Тармоққа уланган бошқа турдаги истеъмолчиларни тармоқдан ажратиш (субистеъмолчилар).
4. Биноларнинг девор ва том қисмлари герметик иссиқлигини сақлаш чораларини кўриш.
5. Иситиш қозонлари сони ва уларнинг техник ҳолати, бинонинг иситиш майдони қозон қувватига мослигини ўрганиб, камчиликларни бартараф этиш бўйича алоҳида назорат олиб бориш.
6. Иситиш мавсумида фойдаланиш учун захира ёқилғи хўжалиги ташкил этилгани ва бугунги кундаги захира қолдиғи миқдори ҳамда унинг сақланиш ҳолатини ўрганиш.

Енгил саноат (текстиль) корхоналари бўйича:

1. Умумий истеъмол қувватининг камида 40 фоизини қоплаш учун қуёш панеллари ва сув иситкичларни (гелиоколлектор) ўрнатиш.
2. Реактив энергияни компенсация қилиш қурилмасини ўрнатиш.
3. Энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш.
4. Электр ва газ ҳисоблагич кўрсаткичи, техник ҳолати, тамғалар бутлиги, шунингдек, электр ва газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатла-

рини ўрганиш ҳамда аниқланган қоидабузарликлар бўйича тегишли чоралар кўриб бориш.

Йирик саноат корхоналари бўйича:

1. Энергия ресурсларини иқтисод қилишга қаратилган ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

2. Ҳар бир ускуна учун алоҳида энергия ресурсларидан фойдаланишда иқтисод қилиш манбаларини аниқлаш.

3. Энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланишни бартараф этиш.

4. Катта қувватли электр двигателларни ишга туширишда частота ростлагич қурилмаларни ўрнатиш.

5. Электр ва газ ҳисоблагич кўрсаткичи, техник ҳолати, тамғалар бутлиги, шунингдек, электр ва газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатларини ўрганиш ҳамда аниқланган қоидабузарликлар бўйича тегишли чоралар кўриб бориш.

Давлат идоралари, корхона ва ташкилотлар бўйича:

1. Қуёш панели, ҳаракат датчиклари ўрнатилишини мониторинг қилиб бориш.

2. Ҳар бир ходим, давлат хизматчиси иш жойида ва уйда энергия истеъмоли маданиятига амал қилишни тарғиб қилишга масъуллигини белгилаб қўйиш.

3. Биноларнинг девор ва том қисмлари герметик иссиқлигини сақлаш.

4. Иситиш қозонлари сони ва уларнинг техник ҳолати, бинонинг иситиладиган майдони қозон қувватига мослигини ўрганиб, камчиликларни бартараф этиш бўйича алоҳида назорат олиб бориш.

5. Электр ва газ ҳисоблагич кўрсаткичи, техник ҳолати, тамғалар бутлиги, шунингдек, электр ва газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатларини ўрганиш ҳамда аниқланган қоидабузарликлар бўйича тегишли чоралар кўриб бориш.

Сув хўжалиги объектлари (насос станциялари) бўйича:

1. Сув насосларининг ортиқча юклама билан ишламаслиги учун зарур чораларни кўриш.

2. Насос станцияларида энергия самарадорлик даражаси паст бўлган насосларнинг двигателларини энергия тежамкорларига алмаштириш чораларини кўриш.

3. Катта қувватли электр двигателларни ишга туширишда частота ростлагич қурилмаларни ўрнатиш.

4. Энергиянинг тежамкорлик талабларига мос бўлмаган қўлбола тайёрланган, сертификатланмаган, маънан эскирган, электр сарфи юқори бўлган, ностандарт тайёрланган жиҳозларни алмаштириш.

5. Қуёш панели, ҳаракат датчиклари ўрнатилишини мониторинг қилиб бориш.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ва бошқа истеъмолчилар бўйича:

1. Қуввати 50 кВтдан юқори бўлган электр қурилмаларида реактив энергияни компенсация қилиш қурилмасини ўрнатиш.
2. Энергия ресурслари истеъмол маданиятини тарғибот қилиш.
3. Энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш.
4. Энергия тежамкор ускуналар, шу жумладан, гелиоколлектор ва қуёш панелларидан фойдаланиш афзалликларини тушунтириш ва уларни ўрнатишда кўмаклашиш.
5. Энергия тежамкор бўлмаган, сертификатланмаган, ностандарт, қурилма ва жихозлардан фойдаланишга чек қўйиш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**131 Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишда эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда ёқилғи-энергетика ресурслари нархлари шаклланишини босқичма-босқич бозор тамойилларига ўтказиш даврида аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари

1. Белгилансинки, 2025 йил 1 майдан 2027 йил 1 апрелга қадар «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи ҳамда Камбағал оилалар реестрига (кейинги ўринларда — Реестрлар) киритилган, шунингдек, Реестрларга киритилмаган, бироқ моддий аҳволи бўйича кам таъминланган оилалар мезонларига тўғри келувчи, оиладаги жон бошига даромади минимал истеъмол харажатларининг 1,5 баробаридан ошмайдиган оилаларга:

(а) электр энергияси истеъмоли бўйича — ойига базавий меъёрдан 150 кВт соатгача;

(б) табиий газ истеъмоли бўйича — иситиш мавсумида ойига базавий меъёрдан 250 куб метргача, бошқа даврларда ойига базавий меъёрдан 150 куб метргача ортиқ фойдаланилган қисми учун базавий меъёр доирасидаги ҳамда базавий меъёрдан ошган нархлар ўртасидаги фарқ компенсация қилиб берилади.

2. 2025/2026 йилги иситиш мавсумида аҳолининг эҳтиёжманд қатлами-ни қўшимча моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг ноябрь ойида қуйидаги оилаларга 1 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам ажратилсин:

(а) Реестрларга киритилган оилаларга;

(б) «маҳалла еттилиги» хулосаси асосида Реестрларга киритилмаган, бироқ ёрдамга муҳтож оилаларга. Бунда:

(i) «маҳалла еттилиги» томонидан қўшимча рўйхат шакллантирилишида биринчи навбатда, боқувчисини йўқотган оилалар, аъзолари I ёки II гуруҳ ногирони бўлган шахслардан иборат бўлган оилалар, ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оилалар, узоқ муддатли даволанишни талаб этадиган касалликлар билан касалланган шахслар яшовчи оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи шахслар ҳамда ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уч ва ундан ортиқ оила яшайдиган хонадонларда ҳамда газ таъминоти бўлмаган ва марказлаштирилган тартибда иситилмайдиган кўп қаватли уйларда яшовчи оилалар инobatга олинади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 5 апрелда эълон қилинган.

(ii) қўшимча равишда шакллантириладиган рўйхатдаги оилалар сони Реестрларга киритилган оилалар сонининг 40 фоизидан ошмаслиги лозим.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан биргаликда 2025 йил 1 октябрга қадар «маҳалла еттиликлари» томонидан республика бўйича ҳар бир маҳалла кесимида қўшимча рўйхатлар шакллантирилишини таъминласин. Бунда ҳокимликлар тегишли туман (шаҳар) бўйича Реестрларга киритилган оилалар сонининг 40 фоизидан ошмаган ҳолда эҳтиёжманд оилалар сонига маҳаллалар кесимида ўзгартириш киритиши мумкин.

II. Молиявий ресурслар

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур қарор билан белгиланаётган моддий ёрдам ва компенсация тўловларини ҳамда ушбу тўловлар бўйича АТ «Халқ банки» хизматига ҳақ тўлаш харажатларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига зарур маблағларни ажратсин.

III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу қарорга мувофиқ қўшимча рўйхатларни шакллантириш ҳамда компенсация ва моддий ёрдам тўловларини тўлаш тартибини тасдиқласин. Бунда туман (шаҳар) ҳокимликлари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг туман (шаҳар) бўлимлари, «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ҳамда «маҳалла еттилиги»нинг вазифалари аниқ белгилансин.

6. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги:

(а) электр энергияси ва табиий газ бўйича компенсация тўловлари ўз вақтида тўланишини;

(б) АТ «Халқ банки» билан биргаликда жорий йил ноябрь ойида бир марталик моддий ёрдам тўланишини;

(в) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижалар оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини ташкил қилсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси, Энергетика вазирлиги бир ҳафта муддатда аҳоли томонидан электр энергияси ва табиий газдан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқали энергия ресурсларини иқтисод қилишга қаратилган манзилли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К. Куранбаев), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М. Оллоёров)нинг:

(а) камбағал оилалар ва эҳтиёжманд аҳолини қўшимча қўллаб-қувват-

лаш чоралари билан тўлиқ қамраб олиш мақсадида маҳаллаларда манзилли тарғибот ишларини кучайтириш;

(б) аҳолига моддий ёрдам ажратишда маҳалла раислари томонидан шаффофлик ва адолатлилик таъминланишини кафолатлаши ва шахсий жавобгарлиги белгилансин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари бир марталик моддий ёрдамни тўлаш бўйича қўшимча рўйхатларнинг тўғри шакллантирилишига ҳамда тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишига шахсан жавобгар этиб белгилансин.

10. Бош прокуратура (И. Адхамов) ушбу қарорга мувофиқ ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П. Оллоёров белгилансин.

12. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 2 апрель,
ПҚ–134-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

132 Республикада лимончилик соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида замонавий ташкилий тизимни жорий қилиш ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 14 февралдаги ПФ–22-сон Фармонида мувофиқ республика ҳудудларида лимон етиштиришни кўпайтириш, қайта ишлаш, лимон етиштиришга ихтисослашган деҳқон хўжалиги, томорқа ер эгалари ҳамда иссиқхона хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Республика ҳудудларида лимон етиштиришни тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ;

2025-2026 йилларда лимон етиштиришга ихтисослашган ҳудудларга «Туронбанк» АТБ томонидан лимон кўчатлари етказиб бериш кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ;

2025-2026 йилларда лимон етиштиришга ихтисослашган маҳаллаларда лимонзорларни кенгайтириш кўрсаткичлари 3-иловага* мувофиқ;

2025-2026 йилларда республикада лимон етиштириш ва экспортга йўналтиришнинг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк ва «Туронбанк» АТБ томонидан:

лидер тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга хорижий тажрибаларни ўргатиш, зарур ҳолларда хорижда тажриба орттириш ва халқаро даражада тан олинган сертификатлар олиш учун ҳар йили 5 млрд сўм маблағ ажратиш;

лимон етиштиришга ихтисослашган ҳудудларда аҳоли хонадонларида ва ижарага берилган ер майдонларида ихчам иссиқхоналар қуриб бериш ҳамда 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиш;

хорижий давлатлардан лимон мевасидан мураббо, жем ва лимонад ишлаб чиқариш ускуналарини олиб келиш, ўрнатиш ҳамда тадбиркорларга лизинг асосида беришни йўлга қўйиш;

амалдаги кредитлар ва фоиз қарздорликларини қайта молиялаштириш орқали лимончилик хўжаликлари фаолиятини имтиёзли шартларда соғломлаштириш;

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Туронбанк» АТБ бошқарув раисининг ўринбосарига қўшимча Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси раиси лавозимини юклаш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агротропик ривожлантириш агентлиги билан биргаликда лимончилик ривожланган хорижий давлатлардан камида иккита малакали агроном, маслаҳатчи ва экспертларни жалб қилиш бўйича таклифларига розилик берилсин.

Бунда лимон етиштириш учун хориждан малакали агроном ва мутахассисларни жалб қилиш харажатлари «Туронбанк» АТБнинг маблағлари ҳисобидан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 10 июлдаги 410-сон қарори билан тасдиқланган Иссиқхона хўжаликларига хориждан малакали агроном, энтомолог ва лаборатория мутахассисларини жалб қилиш харажатларининг 50 фоизини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида қоплаб берилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, «Туронбанк» АТБ ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси:

лимон етиштиришни янада кўпайтириш мақсадида туман (шаҳар)ларда лимон етиштиришга ихтисослашмаган маҳаллаларда ҳам янги лимонзорлар барпо этсин;

туман (шаҳар)ларда лимончилик кооперациясини ташкил этсин ҳамда лимон етиштиришга кўмаклашиш учун «лидер тадбиркорлар»ни бириктирсин;

Норин, Шаҳрисабз, Учкўприк ва Денов туманларидаги биттадан маҳаллани илмий асосланган ёндашув асосида лимон кўчатлари етиштиришга ихтисослаштириш ҳамда ушбу туманларда 1 млн дона сифатли лимон кўчати етиштиришни йўлга қўйсин;

етиштирилган лимонни сақлаш учун аҳоли хонадонларида энергия тежайдиган (анъанавий усулларни қўллаш ва қуёш панелларини ўрнатиш) омборхоналарни қуриш чораларини кўрсин.

4. Белгилансинки:

лимончилик хўжаликлари атрофида бўш турган ер майдонларида янги иссиқхоналар қуриш, шунингдек, етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш ва қадоқлаш цехлари ҳамда омборхоналар ташкил этиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари унумдорлигини ошириш, тармоққа инвестициялар жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 3 февралдаги ПФ–18-сон Фармонининг 2-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади;

лимончилик тармоғини ривожлантириш учун 2025 йил 1 майдан бошлаб лидер тадбиркор ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида лимон етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш харажатларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Uzagrostar holding» компанияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2025 йил 14 февралдаги ПҚ–57-сон қарорида белгиланган шартларда имтиёзли кредитлар ажратилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги

Кадастр агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, «Туронбанк» АТБ ва Рақамли технологиялар вазирлиги 2025 йил якунига қадар деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида мавжуд лимон етиштирилдиган ер майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказсин ҳамда маълумотларнинг «Online mahalla» электрон платформасига киритилишини таъминласин.

Бунда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги корхоналари тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда «crop.agro.uz» электрон платформасига киритиб боради.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 апрелдаги ПҚ–149-сон «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини молиялаштиришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талаблари асосида нақд пулда берилиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда халқаро даражада тан олинган «Global G.A.P», «GAP», «Halal», «Organic» ва бошқа стандартлар талабларини лимон етиштириш жараёнларига кенг жорий қилиш учун 2025 йил давомида лимон етиштирувчиларга ўқув курслари ҳамда маслаҳат хизматлари кўрсатилишини ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Туронбанк» АТБ, Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

лимон етиштириш ва экспортини ривожлантириш бўйича лойиҳалар сонини кўпайтириш мақсадида ҳудудларда кўргазмали семинарлар ўтказсин;

лимон етиштирувчилар ҳамда уларнинг ишчи-ходимлари, деҳқон хўжалиги раҳбарлари, шунингдек, томорқа ер эгаларининг малакасини оширишни тизимли ташкил этсин;

Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти ва Тошкент давлат аграр университети олимлари ҳамда мутахассислари томонидан лимон етиштирувчиларга шартнома асосида лимон кўчатларини экиш, парваришlash, касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш юзасидан маслаҳат ва тавсиялар бериш бўйича хизматлар кўрсатилишини ташкил этсин;

бир ой муддатда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда лимон кўчатларини экиш, парваришlash ва сифатли маҳсулот етиштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилишини ва жойларга етказилишини таъминласин.

9. «Туронбанк» АТБ ҳамда манфаатдор вазирлик ва ташкилотларга:

стартап лойиҳалар доирасида Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш марказининг «Ustoz AI» платформасида фан ва замонавий касбларни ўргатадиган онлайн ва бепул видеокурслар ташкил этиш, ушбу

платформа орқали аҳолининг лимончилик йўналиши бўйича саводхонлигини ошириш ҳамда платформани молиялаштириш;

Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази ташаббуси билан «Ustoz AI» платформасида ёшларни замонавий касбларга ўргатиш, шу жумладан, лимончиликда инновацион ресурс-тежамкор техника ва янги технологияларни қўллашга оид видеомаҳсулотларни кўпайтириш. Бунда ушбу мақсадлар учун зарур маблағлар Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан ажратилади;

лимон етиштиришга ихтисослашган туман (шаҳар)ларда маҳсулотни қадоқлаш, сақлаш ва қайта ишлаш лойиҳаларини амалга ошириш;

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» бренди остидаги лимон маҳсулотларини чет эл оммавий ахборот воситаларида ёритиш ҳамда халқаро савдо кўргазмаларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги икки ой муддатда лимоннинг совуққа ва қурғоқчиликка чидамли навларини яратиш ҳамда уларнинг кўчатини жадал кўпайтиришга қаратилган мақсадли фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар танловини эълон қилсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг «Туронбанк» АТБнинг инвестиция компанияси орқали фаолияти қайта ташкил этиладиган лимончилик хўжаликларини бошқариш, соғломлаштириш ва салоҳиятли инвесторларга сотиш ҳамда лимон етиштириладиган иссиқхоналарни республиканинг бошқа ҳудудларига кўчириш бўйича таклифларига розилик берилсин.

12. «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖга:

лимончилик хўжаликларига ажратилган кредитлар муддатларини ушбу кредитларнинг таъминоти сифатида тақдим этилган кафиллик ҳамда компенсация муддатларига мутаносиб равишда узайтиришга;

кредитларни қайта молиялаштириш жараёнида уларнинг таъминоти сифатида кредитнинг 50 фоизи миқдоригача кафиллик тақдим этишга рухсат берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Туронбанк» АТБ уч ой муддатда лимон етиштириш билан шуғулланадиган хонадонлар сонини икки бараварга оширган маҳаллаларда сув таъминоти, йўл, электр тармоқлари ва бошқа ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан тўғридан-тўғри қўшимча маблағлар ажратиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Туронбанк» АТБ билан биргаликда 2025 йил якунига қадар лимон етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро молия институтлари маблағларини кенг жалб қилиш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситалари орқали лимончилик билан шуғулланувчи томорқа ер эгалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, кўчатчилик хўжалиklarининг илғор тажрибаларини кенг тарғиб қилсин ҳамда республика бўйлаб пресс-турларни доимий ташкил этиб борсин.

16. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров, камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Э. Захидов ҳамда қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 2 апрель,
198-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

133 **Мойлаш материаллари, техник мойлар ва техник суюқликлар хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 28 февралдаги ПҚ–91-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, мойлаш материаллари, техник мойлар ва техник суюқликлар хавфсизлигига қўйиладиган талабларни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

мойлаш материаллари, техник мойлар ва техник суюқликларга қўйиладиган талаблар, шунингдек, уларни тамғалаш, идентификация қилиш ҳамда уларнинг мувофиқлигини баҳолаш тартибини назарда тутувчи Мойлаш материаллари, техник мойлар ва техник суюқликлар хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент (кейинги ўринларда — Техник регламент) 1-иловага мувофиқ;

Мойлаш материаллари, техник мойлар ва техник суюқликлар хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентни жорий этиш схемаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Техник регламент расмий эълон қилинган кундан бошлаб олти ой ўтгач амалга киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгандан сўнг ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу қарорнинг мақсадлари, мазмуни ва уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг кенг хабардор қилинишини таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи И.А. Ниматуллаев ва Ўзбекистон

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директори А.Р. Жуманазаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 2 апрель,
199-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 2 апрелдаги 199-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Мойлаш материаллари, техник мойлар ва
техник суюқликлар хавфсизлиги тўғрисида
ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ**

1-боб. Умумий қоидалар

1-§. Мақсади ва қўллаш соҳаси

1. Ушбу Техник регламент мойлаш материаллари, техник мойлар ва техник суюқликлар хавфсизлигига қўйиладиган ягона талабларни белгилайди.

2. Техник регламентнинг талаблари мазкур Техник регламентга 1-илова* келтирилган Техник регламент талаблари қўлланиладиган ва мажбурий тартибда мувофиқлиги баҳоланадиган мойлаш материаллари, техник мойлар ва техник суюқликлар (кейинги ўринларда — маҳсулотлар) рўйхатига ҳамда ишлатилган мойлаш материаллари, техник мойлар ва техник суюқликларга (кейинги ўринларда — ишлатилган маҳсулотлар) нисбатан қўлланилади.

3. Техник регламент қуйидагиларга тааллуқли эмас:

давлат мудофаа буюртмаси бўйича етказиб бериладиган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзда ташиладиган маҳсулотларга;

ўсимлик ва ҳайвон мойлари, тошқўмир смоласини ва сланецли тоғ жинсларини юқори ҳароратда ҳайдаш (шу жумладан, креозотли) натижасида олинган мойлар, парфюмерия ва косметика маҳсулотлари, тиббиёт буюмлари ва дори воситаларини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган мойларга.

2-§. Атамалар ва таърифлар

4. Ушбу Техник регламентда қуйидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилади:

базавий мойлар — мойлаш материаллари ва техник мойларни олиш учун асосий бўлган мойлар;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

занглашга қарши мойлар — қора ва рангли металлларни занглашдан вақтинча ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган мойлар;

ишлатилган техник мойлар — фойдаланиш учун зарур хусусиятларини йўқотган, шу жумладан, ишчи тизимлардан тўкилган, чиқинди деб таснифланган ва қайта ишланиши (утилизация қилиниши) керак бўлган техник мойлар;

ишлатилган маҳсулотларни йиғиш пунктлари — ишлатилган маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш, ҳисобга олиш, тайёрлаш ва жўнатиш учун мўлжалланган муҳандислик-техник комплекс;

ишлатилган маҳсулотлар — белгиланган эксплуатация хусусиятларини йўқотган, шу жумладан технологик қурилмалар, жиҳозлар ва ускуналарнинг ишчи тизимларидан қуйиб олинган, чиқиндилар сифатида таснифланадиган мойлаш материаллари, мойлар ва техник суюқликларни олиш мақсадида қайта ишланадиган (утилизация қилинадиган) ишлатилган мойлаш материаллари, мойлар ва техник суюқликлар;

маҳсулот тўдаси — битта русумдаги ҳамда битта сифат ҳужжати (паспорт) билан кузатиладиган маҳсулот миқдори;

мой — мойлаш материаллари ва (ёки) техник суюқлик сифатида ишлатиладиган нефть ёки синтетик (ярим синтетик) суюқлик;

мойлаш материали — келиб чиқиши нефть ёки синтетик бўлган модда бўлиб, турли механизмлардаги боғловчи қисмларнинг ишчи юзаларида ишқаланиш жараёнини осонлаштиради ва бунинг натижасида ишқаланиш кучи камаяди ва юзанинг эскириши секинлашади;

сотувчи — маҳсулотни истеъмолчига (фойдаланувчига) улгуржи (чакана) сотадиган ҳамда маҳсулотлар (ишлатилган маҳсулотлар) бозорида ушбу Техник регламент талабларига жавоб берадиган маҳсулотларнинг муомалага чиқарилишига масъул бўлган юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор;

ташиш учун мўлжалланган идиш — маҳсулотларни ва ишлатилган техник мойларни сақлаш ва ҳаракатланиш пайтида ифлосланишдан ҳамда атроф-муҳитга тўкилишидан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган ва мустақил транспорт бирлигини ташкил қиладиган идишлар;

техник мой — мойлаш материали ёки ишчи суюқлик сифатида ишлатиладиган нефть ёки синтетик (ярим синтетик) модда;

техник суюқлик — нефть ёки синтетик, ишчи муҳит сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган суюқлик;

турбина мойлари — турбо агрегатлар, буғ-газ турбиналари, турбокомпрессор машиналари, гидротурбиналар, кема буғ-турбина қурилмаларини мойлаш учун ишлатиладиган сурков мойлари;

харидор — маҳсулотни ва (ёки) ишлатилган техник мойларни қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай мақсадларда фойдаланиш учун сотиб олувчи юридик ёки жисмоний шахс (истеъмолчи);

чиқиндиларни қайта ишлаш (утилизация қилиш) — янги маҳсулотларни олиш учун чиқинди маҳсулотларни қайта ишлаш жараёнлари;

юк кузатув ҳужжатлари — маҳсулот номенклатураси ва миқдорини белгиловчи ҳужжатлар;

қайта ишлаш (утилизация қилиш) — утилизация қилиш ёки янги мойлаш материалларини олиш мақсадида ишлатилган техник мойлаш материалларидан фойдаланишни тугатиш жараёнлари.

2-боб. Хавфсизлик талаблари

1-§. Умумий хавфсизлик талаблари

5. Маҳсулотлар ушбу Техник регламентга 2-иловага* мувофиқ Мойлаш материаллари, техник мойлар ва техник суюқликлар хавфсизлигини белгиловчи физик-кимёвий кўрсаткичларга қўйилган талабларга жавоб бериши керак.

6. Ишлатилган маҳсулотлар уларни кейинги қайта ишлашга (чиқиндиларни утилизация қилишга) тайёрлаш учун қўйидаги гуруҳлар бўйича тақсимланган ҳолда йиғиш пунктларига етказиб берилиши керак:

I гуруҳ. Ишлатилган мотор мойлари (ИММ) — универсал, бензин, дизель, газсимон ёқилғидаги ва поршенли авиация двигателлари учун фойдаланилган мойлар;

II гуруҳ. Ишлатилган саноат мойлари (ИИМ) — ишлатилган трансмиссия мойлари, саноат мойлар, турбина мойлари, трансформатор мойлари, компрессор мойлари, гидравлик мойлар, занглашга қарши мойлар, электр изоляцияси мойлари;

III гуруҳ. Ишлатилган нефть маҳсулотлари аралашмаси (ИНМА) — нефтдан олинadиган ювиш суюқликлари, металлларга иссиқлик билан ишлов беришда, трансмиссия тизимларида, цилиндрларда, синовдан ўтказишда, металлга ишлов бериш ускуналарида фойдаланилган мойлар, нефть эмульсияларидан олинadиган мойлар, нефть маҳсулотларини сақлаш ва ташиш иншоотларини тозалашда, буғларни тиклаш тизимларида, тозалаш иншоотларида ҳосил бўладиган ва таркибида нефть қолдиғи мавжуд бўлган сувлардан ажратиб олинadиган нефть ва нефть маҳсулотлари аралашмалари, ишлатилган маҳсус суюқликлар (шу жумладан, мойловчи-совитувчи) ва тормоз суюқликлари.

7. Ишлатилган маҳсулотлар Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 сентябрдаги 258-сон қарори билан тасдиқланган Ишлатилган техник мойларни топшириш, тўплаш, улар учун ҳисоб-китоб қилиш, уларни сақлаш ва ташиш тартиби тўғрисида низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

2-§. Ёнғин хавфсизлиги талаблари

8. Маҳсулотлар ва ишлатилган маҳсулотларнинг ёнғин хавфсизлигига қўйилган талаблар Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 649-сон қарори билан тасдиқланган Ёнғин хавфсизлиги қоидалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли норматив ҳужжатларга топширилади, тўпланади, сақланади ва ташилади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3-§. Экологик хавфсизлик талаблари

9. Маҳсулотлар ва ишлатилган маҳсулотларнинг экологик хавфсизлигига доир асосий талаблар Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли норматив ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

10. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ишлатилган маҳсулотларни қайта ишлаш, шунингдек уларни сақлаш ва ташишда атроф-муҳит муҳофазаси, ушбу жараёнларда герметик бўлган қувурлар, ускуналар, ташиш учун мўлжалланган идиш ва истеъмол қадоқларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.

11. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ишлатилган маҳсулотлар билан ишлашда уларни:

сув ҳавзаларига, тупроққа, умумий фойдаланишдаги канализация тармоқларига қуйиш (тўкиш, тушириш);

кейинчалик кўмиш мақсадида майший ва саноат чиқиндилари учун мўлжалланган полигонларга олиб чиқиш;

тартибга солинмаган тарзда ёқиш;

электр энергияси қурилмалари учун мўлжалланган ёқилғини олишда нефть (газ конденсати) билан бензин, керосин, дизель ва ёқилғилар (буғ-турбина ёқилғиси, қозонхона-печи, мазут)ни аралаштириш;

таркибида галоген-органик мавжуд бирикмалар билан аралаштириш;

адгезияга қарши материаллар ва қурилиш материалларини намлаш воситалари сифатида ишлатиш тақиқланади.

3-боб. Маҳсулотларни қадоқлаш ва тамғалаш талаблари

1-§. Қадоқлаш талаблари

12. Маҳсулот ташиш учун мўлжалланган идиш ёки истеъмол қадоқларига (идишларига) қадоқланади. Ишлатилган маҳсулотлар ташиш учун мўлжалланган идишларга қадоқланади.

13. Ташиш учун мўлжалланган идишлар ва истеъмол қадоқлари (идишлари) юклаш ва тушириш, ташиш ва сақлаш жараёнларида маҳсулотлар ва ишлатилган техник маҳсулотларнинг хавфсизлигини ҳамда ташқи таъсирлардан (иқлим бўйича, механик) зарур ҳимояни таъминлаши керак.

2-§. Тамғалаш талаблари

14. Истеъмол қадоқларига (идишларига) жойлаштирилган маҳсулотнинг тамғаси бевосита истеъмол қадоқларига (идишларига) ёки истеъмол қадоғига (тарага) бириктириладиган ёрликка қўйилади.

15. Ташиш учун мўлжалланган идишга қадоқланган маҳсулотларнинг тамғаси тўғридан-тўғри ташиш учун мўлжалланган идишга ёки унга бириктирилган ёрликка қўйилади.

16. Маҳсулот тамғаси қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:
маҳсулотнинг номи, русуми ва қўлланилиш мақсади;
ишлаб чиқарилган давлат номи;
ишлаб чиқарувчи, сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томонидан ваколат берилган шахснинг номи ва жойлашган жойи (юридик манзили, давлат номи) шу жумладан;
товар белгиси (мавжуд бўлса);
соф оғирлиги ёки ҳажми;
нетто ва брутто массаси (ташиш учун мўлжалланган идишга қадоклашда);
сақлаш муддати ва шартлари;
ишлаб чиқарилган сана (ой, йил);
маҳсулот мувофиқлигини тасдиқлаш тўғрисидаги маълумот;
маҳсулот ишлаб чиқаришга тегишли техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат номи;
штрихланган идентификация коди (талаб этилганда).

17. Ишлатилган маҳсулотлар тамғаси қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

«Ишлатилган маҳсулот» ёзуви;
ишлатилган маҳсулот гуруҳи (ИММ, ИИМ ёки ИНМА);
нетто ва брутто массаси.

18. Маҳсулотлар ва ишлатилган техник мойларнинг тамғаси ишончли, ўқиладиган ҳамда ишқаланишга ва ташқи муҳит таъсирига чидамли бўлиши керак.

19. Инсон саломатлигига, атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатиши, ёнғинга нисбатан хавфли хусусиятларга эга бўлган маҳсулот ва ишлатилган маҳсулотлар тамғасида тегишли огоҳлантирувчи ёзувлар бўлиши керак.

20. Маҳсулотларни йирик тараларда (темир йўл ва автомобиль цистерналари, контейнерлар ва бошқа воситаларда) етказиб беришда ушбу Техник регламентнинг 17-бандида кўрсатилган маълумотлар юк кузатув ҳужжатларида келтирилади.

21. Маҳсулотлар ва ишлатилган маҳсулотларнинг тамғаланишидаги ва юк кузатув ҳужжатларидаги маълумотлар давлат тилида берилиши керак. Маълумотларни бошқа тилларда такрорлашга рухсат берилади. Маълумотлар мазмунининг бошқа тиллардаги таржимаси матни унинг Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги асосий маъносини бузиб кўрсатмаслиги керак.

4-боб. Мувофиқликни баҳолаш

1-§. Мувофиқлик декларацияси

22. Маҳсулотларнинг мазкур Техник регламент талабларига мувофиқлиги мувофиқликни декларация қилиш тарзида (шаклида) тасдиқланади.

23. Мувофиқликни тасдиқлашдан олдин маҳсулотни идентификация қилиш амалиёти ўтказилади.

24. Маҳсулотларнинг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқли-

ги қўйидаги схемаларнинг бири бўйича декларация қилиш йўли билан тасдиқланади:

1Д схема — туркум ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун ариза берувчининг ўз далилларига асосланиб, мувофиқлик эълон қилинишида қўлланилади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи ёки у томондан ваколат берилган юридик шахс ҳисобланади;

2Д схема — маҳсулот тўдаси ёки ягона маҳсулот учун ариза берувчининг ўз далиллари асосида мувофиқлик эълон қилинишида қўлланилади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (у томондан ваколат берилган юридик шахс) ёки сотувчи (импорт қилувчи) ҳисобланади.

25. Мувофиқликни декларация қилиш мақсадида синовлар ишлаб чиқарувчи (ваколатли ишлаб чиқарувчи), импорт қилувчи (сотувчи) томонидан синов лабораториясида ёки Ўзбекистон Республикаси мувофиқликни баҳолаш органларининг ягона реестрига киритилган аккредитацияланган синов лабораториясида (марказида) амалга оширилади.

26. Ариза берувчи томонидан маҳсулотларнинг мувофиқлигини тасдиқлашда маҳсулотнинг ушбу Техник регламент хавфсизлик талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи қўйидагилардан иборат ҳужжатлар тўплами шакллантирилади:

техник шартлар (мавжуд бўлса);

шартнома (етказиб бериш шартномаси) ва етказиб бериш ҳужжатлари (2Д схемага мувофиқ мувофиқликни декларация қилишда);

ишлаб чиқарувчининг сифат менежменти тизими сертификати (мавжуд бўлса);

маҳсулот сифати паспорти;

маҳсулот хавфсизлиги паспорти;

маҳсулотнинг ушбу Техник регламент хавфсизлик талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи синов баённомалари;

хорижий сертификатлаштириш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатлари (мавжуд бўлса).

27. Мувофиқлик декларацияси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 августдаги 502-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ расмийлаштирилади.

Мувофиқлик декларациясининг амал қилиш муддати унинг рўйхатдан ўтган санасидан бошланади, бунда:

туркум ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун — уч йилдан кўп бўлмаган муддатда;

маҳсулот тўдаси учун — маҳсулотни сақлаш муддатида амал қилади.

28. Маҳсулотлар учун ҳужжатлар тўплами, шу жумладан, мувофиқлик декларацияси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўйидаги муддатларда сақланиши керак:

туркум ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар — ишлаб чиқарувчида (ваколатли шахсда), маҳсулот ишлаб чиқаришдан тўхтатилган кундан бошлаб камида беш йил давомида;

маҳсулот тўдаси — импорт қилувчида (сотувчида), ишлаб чиқарувчида (ваколатли шахсда), мувофиқлик декларацияси рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб камида беш йил давомида сақланиши керак.

29. Маҳсулотларнинг Техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун зарур синов усуллари, шунингдек, намуна олиш усуллари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ бажарилади.

2-§. Намуна танлаш ва синовлар ўтказиш

30. Маҳсулотларнинг Техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун зарур синов усуллари, шунингдек, намуна олиш усуллари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

5-боб. Ўтиш даври

31. Ушбу Техник регламент кучга кирган пайтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маҳсулотларга қўйиладиган талабларни белгилайдиган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги амалдаги норматив ҳужжатларнинг мазкур Техник регламентга мувофиқлаштирилгунга қадар Техник регламентга зид бўлмаган қисми амал қилади.

32. Техник регламент амалга киритилгунга қадар маҳсулотларга расмийлаштирилган мувофиқлик ҳужжатлари ушбу ҳужжатда белгиланган муддат давомида амал қилади.

6-боб. Техник регламент талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати

33. Техник регламент талабларига риоя этилиши бўйича давлат назорати Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, шунингдек, бошқа мутасадди давлат органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

7-боб. Техник регламент талабларини бузганлик учун жавобгарлик

34. Техник регламент талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 2 апрелдаги 199-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Мойлаш материаллари, техник мойлар ва техник суюқликларга талаблар тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 2 октябрдаги 783-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2020 йил 3 июндаги 348-сон қарорига 1-илованинг 6-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тўғрисидаги ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида давлат назорати департаменти тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2022 йил 11 мартдаги 114-сон қарорига 3-илованинг 17-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**134** Автомобиль транспортида йўловчи ташиш фаолиятини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Автомобиль транспортида йўловчи ташиш фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тартиб-таомилларини такомиллаштириш, аҳолига бу борада қўшимча қулайликлар яратиш, шунингдек, мазкур йўналишда кўрсатилаётган хизматлар сифатини, рақамлаштириш даражасини, йўловчи ташиш хавфсизлиги ҳамда аҳоли бандлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 27 февралдаги ПҚ–78-сон қарорига мувофиқ енгил автотранспорт воситасида йўловчиларни шахар, шахар атрофи ва шахарлараро ташиш фаолияти ўзини ўзи банд қилган шахслар лицензия варақасига асосан шугулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига киритилганлиги;

б) Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 26 декабрдаги 885-сон қарорига мувофиқ 2025 йил 1 июлдан бошлаб:

электрон тижорат операторлари, шу жумладан, ташувчиларга мижозларни излаш бўйича хизмат кўрсатувчи агрегаторлар фаолиятини амалга ошириши учун хабардор қилиш тартиби жорий қилиниши;

электрон тижорат субъектлари реестри Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан юритилиши;

электрон тижорат операторлари фаолиятини хабардор қилиш тартибида амалга ошириш учун талаб ва шартлар белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ташувчиларга мижозларни излаш бўйича хизмат кўрсатувчи агрегаторлар фаолияти учун қўйидаги қўшимча талаб ва шартлар белгилансин:

хизматларни фақат тегишли лицензия варақасига эга бўлган ташувчиларга кўрсатиш ва буюртмаларни ташувчининг лицензия варақасида кўрсатилган ҳамда унга туташ ҳудудларда (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) қабул қилинишини таъминлаш;

электрон фискал чек маълумотларини шакллантириш бўйича солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинган электрон платформага эга бўлиш;

агрегаторлар ахборот тизимларини Транспорт вазирлиги ҳамда Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг тегишли ахборот тизимларига интеграция қилиш.

Ушбу банддаги талаб ва шартлар Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 2 апрелда эълон қилинган.

хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш орқали кўриш ва ҳаракатланиш билан боғлиқ касалликларга чалинган алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун таълим олиш шароитларини яхшилаш тўғрисида» 2025 йил 28 февралдаги 132-сон қарорига мувофиқ жорий этилган агрегаторларнинг ижтимоий аҳамиятга эга транспорт хизматини кўрсатиш фаолиятига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Юридик шахсларга тегишли йўналишсиз таксиларга:

йўловчиларни олиш ва тушириш мақсадида «Тўхташ тақиқланган» йўл белгиси амал қилиш ҳудудида, шу жумладан, аэропорт ва вокзалларга туташ ҳудудларда тўхташ;

аэропортлар, темир йўл вокзаллари, автовокзаллар, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган қурилиш моллари, деҳқон ва буюм бозорлари ҳамда савдо мажмуаларининг пулли тўхташ жойларига йўловчиларни олиш ва тушириш учун бепул кириш;

йўналишли транспорт воситалари учун ажратилган махсус ҳаракатланиш йўлаги бўйлаб ҳаракатланиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қуйидагилар:

Йўналишсиз такси фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Автомобиль транспортида йўловчиларни буюртма асосида ташиш қоидалари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг солиқ даврида ишларни бажаришдан (хизматлар кўрсатишдан) олган даромадлари юз миллион сўмдан ошганда, улар тўлаши лозим бўлган солиқлар солиқ органларининг юридик шахсларга юборилган хабарномаси асосида юридик шахслар (солиқ агенти) томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинади.

6. Транспорт вазирлиги Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда тўрт ой муддатда мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, енгил автомобиль транспортида йўловчи ташишда лицензия талаб ва шартларини биринчи марта бузганлик учун алоҳида жавобгарликни ҳамда давлат божи миқдорларини белгилаш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Адлия вазирлиги тўрт ой муддатда буюртмалар агрегатори операторлари томонидан:

лицензия варақасида кўрсатилган ҳудуддан ташқарида хизмат кўрсатилганлиги учун;

лицензияси ёхуд рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжати мавжуд бўлмаган ҳолда ташувчилик фаолияти билан шуғулланган шахсларнинг йўловчи ташиш фаолияти давомида йўловчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган тақдирда, етказилган зарарни агрегатор билан биргаликда (субсидиар) жавобгар бўлишини белгилаш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. 2025 йил 15 апрелдан 2026 йил якунига қадар эксперимент тариқасида Тошкент шаҳрида турлари Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланадиган, ҳайдовчидан ташқари тўрттадан ортиқ ва саккизтадан кўп бўлмаган ўриндиқларга ҳамда юқори қулайликларга эга автотранспорт воситаларида ўзини

ўзи банд қилган шахслар томонидан йўналишсиз такси фаолиятини амалга оширишга рухсат этилсин. Бунда ўзини ўзи банд қилган ташувчиларга лицензия варақаси берилганлиги учун давлат божи йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баробари миқдорида ундирилади.

9. Транспорт вазирлиги:

икки ҳафта муддатда ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан йўловчиларни ташишда фойдаланиладиган ҳайдовчидан ташқари тўрттадан ортик ва саккизтадан кўп бўлмаган ўриндиқларга ҳамда юқори қулайликларга эга автотранспорт воситалари турларини тасдиқлаб, ўзининг расмий веб саҳифасига жойлаштирилишини таъминласин;

Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2026 йил 1 октябрга қадар мазкур қарорнинг 8-бандига асосан амалга оширилган эксперимент натижаларига кўра йўловчиларни автомобиль транспортида ташиш соҳасини янада такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 июлдаги 636-сон қарори билан тасдиқланган Автомобиль транспортида йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро, шунингдек, юкларни халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Транспорт вазирлиги Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун ва моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов, транспорт вазири И.Р. Махкамов ҳамда ички ишлар вазири А.А. Ташпулатов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 2 апрель,
200-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 2 апрелдаги 200-сон қарорига
1-ИЛОВА

Йўналишсиз такси фаолиятини тартибга солиш тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом енгил автомобиль транспортида йўналишсиз такси фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Йўналишсиз такси фаолияти юридик ва жисмоний шахслар (ўзини ўзи банд қилган шахслар) томонидан амалга оширилади.

Ушбу Низом йўналишли таксиларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

агрегатор — йўловчи ташувчиларга мижозларни излаш бўйича интерактив хизматларни кўрсатувчи юридик шахс;

йўналишсиз такси — йўловчиларнинг буюртманомаларига кўра йўловчиларни ва уларнинг бағажини ташиш учун ҳақ эвазига хизматлар кўрсатадиган, ҳайдовчидан ташқари тўрттадан ортиқ бўлмаган ўриндикларга ҳамда лицензия варақасига эга бўлган енгил автотранспорт воситаси;

йўналишсиз таксиларнинг махсус жиҳозланган тўхташ жойи — маълумотлар кўрсаткичлари билан жиҳозланган, тегишли йўл белгилари қўйилган ҳамда йўловчиларни ўтқазиб (тушириш) ва йўналишсиз таксиларнинг тўхтаб туриши учун мўлжалланган, кўчаларнинг йўловчи юрмайдиган қисмидаги махсус майдонча;

лицензия варақаси — лицензия талаблари ва шартларига мажбурий риоя қилинган ҳолда, йўловчиларни ташишда фойдаланиладиган ҳар бир автотранспорт воситасига лицензияланадиган фаолият турини амалга ошириш учун бериладиган рухсатнома (лицензия);

ҳайдовчи — автотранспорт воситасини бошқарувчи шахс.

2-боб. Ягона таниш белгилари

4. Ташқи ва ички маълумотлар билан жиҳозлаш белгилари йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ҳисобланади.

5. Ягона таниш белгилари транспорт оқимида автотранспорт воситасининг ажралиб туришини ва танилишини таъминлаш учун мўлжалланган ҳамда улар йўналишсиз таксиларда йўловчиларни ташийдиган барча ташувчилар учун мажбурий ҳисобланади.

6. Йўналишсиз таксиларни ташқи маълумотлар билан жиҳозлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

автотранспорт воситасининг тепасига ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ ўрнатиладиган «ТАХИ» таниш белгисини ўрнатиш;

юридик шахсларга тегишли йўналишсиз таксилар учун мўлжалланган

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

махсус сериядаги автотранспорт воситасининг давлат рақами белгиси, шунингдек, мазкур Низомга 2-иловага* мувофиқ йўналишсиз таксиларнинг олд ва орқа эшикларига чизиладиган қора квадратлар ҳамда композиция туширилганлиги (ёпиштирилганлиги).

7. Юридик шахс номи, манзили, ўзини ўзи банд қилган ташувчи ёки хайдовчининг фамилияси, исми, отасининг исми, фотосурати, фаолият ҳудуди, телефон рақами, автотранспорт воситасининг давлат рақами белгиси, ишлаб чиқарилган йили ҳамда лицензия варақаси ҳақидаги (рақами ва амал қилиш муддати) маълумотларни ўз ичига олган ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ шаклдаги такси паспорти йўналишсиз таксиларни ички маълумотлар билан жиҳозлаш белгилари ҳисобланади.

Такси паспорти автотранспорт воситаси ичида йўловчилар бемалол ўқий оладиган ҳолатда ўрнатилади.

Такси паспорти ўзини ўзи банд қилган шахсларга лицензия варақаси билан бирга бепул берилади.

3-боб. Йўналишсиз таксига қўйиладиган талаблар

8. Йўналишсиз такси сифатида фойдаланиладиган ҳар бир автотранспорт воситаси техник жиҳатдан соз ҳолатда бўлиши ва Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши, шунингдек, қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

ушбу Низомнинг 6 ва 7-бандларида белгиланган ягона таниш белгиларининг мавжуд бўлиши;

тўловларни агрегатор ёки бошқа электрон тўлов тизимлари орқали қабул қилиш имконияти яратилган бўлиши;

йўналишсиз такси техник ҳолати ва жиҳозларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши;

шаҳар йўналишларида автотранспорт воситасининг эксплуатацияси 15 йилдан ортиқ бўлмаслиги;

ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси мавжуд бўлиши;

таксометр функцияларини таъминлайдиган махсус иловага эга мосламалар (шу жумладан, уяли телефонлар, планшетлар) билан таъминланган бўлиши.

Вагон типдаги («Дамас» ва шу типдаги) автотранспорт воситаларида йўналишсиз такси сифатида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиш тақиқланади.

9. Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли йўналишсиз таксилар сифатида фойдаланиладиган ҳамда ягона таниш белгилари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларида йўловчиларни олиш ва тушириш мақсадида «Тўхташ тақиқланган» йўл белгиси амал қилиш ҳудудида йўловчиларни тушириш-чиқаришга (юкларни ортиш-туширишга) рухсат этилади.

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Юридик шахсларга тегишли йўналишсиз таксилар сифатида фойдаланиладиган ҳамда ягона таниш белгилари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларига:

йўловчиларни олиш ва тушириш мақсадида «Тўхташ тақиқланган» йўл белгиси амал қилиш ҳудудида, шу жумладан, аэропорт ва вокзалларга туташ ҳудудларда тўхташ;

аэропортлар, темир йўл вокзаллари, автовокзаллар, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган қурилиш моллари, деҳқон ва буюм бозорлари ҳамда савдо мажмуаларининг пулли тўхташ жойларига йўловчиларни олиш ва тушириш учун бепул кириш;

йўналишли транспорт воситалари учун ажратилган махсус ҳаракатлиниш йўлаги бўйлаб ҳаракатлиниш ҳуқуқи берилади.

Мазкур банд ушбу Низомнинг 6 ва 7-бандларида белгиланган ягона таниш белгилари билан жиҳозланмаган, йўловчиларни буюртма асосида ташишда фойдаланиладиган ҳамда лицензия варақасига эга бўлмаган энгил автотранспорт воситаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

4-боб. Йўналишсиз таксилар ҳайдовчиларига қўйиладиган талаблар

10. Йўловчилар ташиш учун мўлжалланган йўналишсиз таксиларни бошқаришга ҳайдовчилик гувоҳномасида «В» тоифаси бўлган, 21 ёшга тўлган, тиббий кўрикдан ўтган ва камида уч йиллик ҳайдовчилик стажига эга ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахслар қўйилади.

11. Ҳайдовчи фаолиятини меҳнат ва дам олиш режимига риоя этган ҳолда амалга оширади.

12. Амалга оширилиши учун лицензия берилган фаолият тури билан фақат шу лицензияни олган жисмоний ёки юридик шахс шуғулланиши мумкин. Лицензияларни ёки уларга доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

13. Юридик шахсларга тегишли йўналишсиз таксиларнинг ҳайдовчилари ишлаётганда тегишли лицензия варақасига ҳамда йўлга чиқишдан олдин автотранспорт воситасининг белгиланган тартибда техник кўрикдан ва ҳайдовчиларнинг тиббий кўрикдан ўтказилганлиги тўғрисида йўл варақасига эга бўлиши шарт.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар:

ўз автотранспорт воситасини бир йилда бир маротаба техник кўрикдан ўтказиши;

бир йилда бир маротаба тиббий кўрикдан ўтиши ва тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотномага эга бўлиши шарт.

14. Ҳайдовчи фаолиятини лицензия варақасида кўрсатилган ҳудудда ва унга туташ ҳудудда амалга ошириши мумкин.

Бунда лицензия варақасида кўрсатилган ҳудуд автотранспорт воситасига берилган давлат рақами белгиларининг ҳудудий кодларидан келиб чиқиб аниқланади.

15. Йўналишсиз таксида мунтазам йўналишларда фаолият юритувчи жамоат транспортининг йўналиш схемаларига мувофиқ (мунтазам йўналишларда) ёки трафарет қўйган ҳолда йўловчи ташиши тақиқланади.

16. Йўналишсиз такси ҳайдовчисининг белгиланган талабларга номувофиқлиги аниқланган ҳолларда ҳайдовчига нисбатан қонунчиликда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

5-боб. Йўналишсиз таксиларда йўловчилар ва багажни ташиш

17. Йўналишсиз таксиларга йўловчилар уларнинг талабига кўра Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилган ҳолда чиқарилади ва туширилади.

18. Йўналишсиз таксиларнинг йўловчилар ҳамда багажни ташиш тарифлари миқдори автотранспорт воситалари турлари ва хизматларига қараб белгиланади.

19. Йўл ҳақи йўловчи томонидан сафар тугагандан кейин ва багаж туширилгандан кейин у билан келган йўловчилар ҳамда ташиб келтирилган багаж сонидан қатъи назар, тўловни амалга ошириш имкониятини берувчи, шунингдек, таксометр функцияларини таъминлайдиган махсус иловага эга мосламалар (шу жумладан, уяли телефонлар, планшетлар) кўрсаткичи бўйича тўланади. Бунда хизмат кўрсатилганлиги учун тўлов ташувчи ёки агрегатор томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ хизмат кўрсатиш тугагунга қадар қисмларга бўлиб амалга оширилиши мумкин.

Ҳайдовчи билан ҳисоб-китоб нақд пул, ҳисоб-китоб терминалидан фойдаланган ҳолда банк пластик карталари ёхуд электрон тўлов воситаси ёрдамида амалга оширилади.

Йўналишсиз такси бир неча йўловчилар (навбатда турган биринчи йўловчининг розилиги билан) томонидан тўхташ жойида ёлланган ёки таксини ёллаган йўловчи розилиги билан йўли бир бўлган йўловчи чиқарилган тақдирда, йўл ҳақи тўловининг умумий суммаси йўловчилар ўртасида ҳар бир йўловчининг босиб ўтган масофасига мутаносиб равишда тақсимланади.

20. Йўналишсиз таксига йўловчиларни чиқаришда ҳайдовчи уларнинг буюмлари ва багажини жойлаштиришга ҳамда сафар тугаганда уларни туширишга ёрдамлашиши лозим.

21. Йўналишсиз такси томонларнинг ўзаро келишувига ёки таксометр функцияларини таъминлайдиган махсус иловага эга мосламалар (шу жумладан, уяли телефонлар, планшетлар) кўрсаткичига кўра алоҳида тўлов эвазига йўловчининг буюртмасига биноан кутиб туради.

22. Йўналишсиз таксиларнинг салонида автомобиль эшиги орқали бемалол сиғадиган, салон қопламасини ҳамда унинг ускуналарини бузмайдиган ва ифлос қилмайдиган, ҳайдовчининг автомобилни бошқаришига ҳамда орқани кўриш кўзгусидан фойдаланишига халақит бермайдиган буюмлар ва ашёларни ташишига рухсат берилади.

Мушуклар, итларни тизгин ва тўшаги мавжуд бўлганда тумшукбоғларда, кичик жониворларни саватларда, сумкаларда ҳамда қушларни қафасларда ташишга рухсат берилади.

23. Йўналишсиз таксиларда багаж ташиганлик учун ҳақ олинмайди.

6-боб. Йўналишсиз таксиларда йўловчиларни ташиш бўйича назорат

24. Юридик ва жисмоний шахсларга йўналишсиз таксиларда йўловчиларни ташиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия варақалари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан берилади.

Юридик ва жисмоний шахслар (лицензиатлар) томонидан белгиланган лицензия талаб ва шартларига риоя этилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади.

25. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ушбу Низом талабларига риоя этилишини:

йўналишсиз таксилар учун мўлжалланган бошқа енгил автомобиллардан фарқланувчи давлат рақами белгиси ажратилиши юзасидан;

йўналишсиз таксиларда йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари билан жиҳозланганлиги юзасидан;

йўналишсиз такси техник ҳолати ва жиҳозларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги юзасидан;

йўловчилар ташиш учун мўлжалланган йўналишсиз таксиларни бошқаришга ҳайдовчилик гувоҳномасида «В» рухсат белгиси бўлган, 21 ёшга тўлган, тиббий кўрикдан ўтган ва камида уч йиллик ҳайдовчилик стажига эга бўлган шахсларнинг қўйилиши юзасидан назорат қилади.

26. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари йўналишсиз таксиларнинг махсус жиҳозланган тўхташ жойларини қуриш (барпо этиш) бўйича ушбу Низом талабларига риоя этилишини назорат қиладилар.

27. Мазкур Низом талабларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича ишлар Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан умумий мувофиқлаштириб борилади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

29. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

30. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 2 апрелдаги 200-сон қарорига
2-ИЛОВА

Автомобиль транспортида йўловчиларни буюртма асосида ташиш ҚОИДАЛАРИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар йўловчиларни буюртма асосида (тўй, туристик йўналишларда, шартнома асосида, оммавий ва бошқа тадбирларда) енгил автотранспорт воситаларида (кейинги ўринларда — автотранспорт воситалари) ташиш тартибини белгилайди.

2. Автотранспорт воситаларида йўловчиларни буюртма асосида ташиш фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

3. Мазкур Қоидалар йўналишсиз ҳамда йўналишли таксиларга нисбатан татбиқ этилмайди.

4. Автотранспорт воситаларида йўловчиларни буюртма асосида ташиш шаҳар, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро йўналишларда амалга оширилади.

5. Йўловчиларни талабига кўра автотранспорт воситаларига чиқариш ва тушириш Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

6. Автотранспорт воситаларида йўловчиларни буюртма асосида ташиш мижоз билан ташувчи ўртасида тузилган шартнома асосида ёки томонларнинг ўзаро келишувига кўра амалга оширилади.

7. Томонларнинг келишувига кўра автотранспорт воситаларига қўшимча талаблар ҳамда бошқа талаблар ҳам белгиланиши мумкин.

8. Ҳайдовчи йўловчиларга хизмат кўрсатиш вақтида уларнинг буюмлари ва багажини жойлаштиришга ҳамда сафар тугаганда уларни туширишга ёрдамлашиши лозим.

9. Автотранспорт воситаларининг саломида автомобиль эшиги орқали бемалол сифадиган, салон қопламасини ҳамда унинг ускуналарини бузмайдиган ва ифлос қилмайдиган, ҳайдовчининг автомобилни бошқаришига ҳамда орқани кўриш кўзгусидан фойдаланишига халақит бермайдиган буюмлар ва ашёларни ташишига рухсат берилади.

10. Буюртма асосида фаолият юритувчи автотранспорт воситаларидан йўналишсиз такси сифатида фойдаланиш тақиқланади. Бу ҳолат фаолиятни лицензиясиз амалга оширганликка тенглаштирилади.

11. Мушуклар, итларни тизгин ва тўшаги мавжуд бўлганда тумшук-боғларда, кичик жониворларни саватларда, сумкаларда ҳамда қушларни қафасларда ташишга рухсат берилади.

2-боб. Буюртма асосида фаолият юритувчи автотранспорт воситаларига қўйиладиган талаблар

12. Буюртма асосида фаолият юритувчи автотранспорт воситалари тех-

ник жиҳатдан соз ҳолатда бўлиши ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда техник кўриқдан ўтган бўлиши лозим.

13. Буюртма асосида фаолият юритувчи автотранспорт воситалари юқори классда бўлиши лозим.

Вагон типдаги («Дамас» ва шу типдаги) автотранспорт воситаларига буюртма асосида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиш тақиқланади.

14. Буюртма асосида автотранспорт воситаларида ташиш хизматларини кўрсатишда аэропортлар, темир йўл вокзаллари, автовокзаллар, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган қурилиш моллари, деҳқон ва буюм бозорлари ҳамда савдо мажмуаларининг пулли тўхташ жойларига йўловчиларни олиш ва тушириш учун бепул киришга рухсат берилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан буюртма асосида фаолият юритувчи автотранспорт воситаларининг турлари ҳамда ишлаб чиқилган йили бўйича рўйхат шакллантирилади ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилиб, мунтазам равишда янгиланган борилади.

16. Буюртма асосида фаолият юритувчи автотранспорт воситалари мунтазам йўналишларда фаолият юритувчи жамоат транспортининг йўналиш схемаларига мувофиқ (мунтазам йўналишларда) ёки трафарет қўйган ҳолда ҳамда йўналишсиз такси сифатида фаолият юритиши тақиқланади.

3-боб. Буюртма асосида фаолият юритувчи автотранспорт воситалари ҳайдовчиларига қўйиладиган талаблар

17. Буюртма асосида фаолият юритувчи автотранспорт воситаларини бошқаришга ҳайдовчилик гувоҳномасида «В» тоифаси бўлган, 21 ёшга тўлган, тиббий кўриқдан ўтган ва камида уч йиллик ҳайдовчилик стажига эга ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахсларга рухсат берилади.

Ҳайдовчилар меҳнат ва дам олиш режимига риоя этган ҳолда фаолиятини амалга оширади.

18. Буюртма асосида фаолият юритувчи автотранспорт воситаларининг ҳайдовчилари йўлга чиқишдан олдин автотранспорт воситасининг белгиланган тартибда техник кўриқдан ва ҳайдовчиларнинг тиббий кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисида йўл варақасига эга бўлиши керак.

19. Буюртма асосида фаолият юритувчи автотранспорт воситалари ҳайдовчисининг белгиланган талабларга номувофиқлиги аниқланган ҳолларда унга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

4-боб. Автотранспорт воситаларида йўловчиларни буюртма асосида ташиш бўйича назорат

20. Автотранспорт воситаларида йўловчиларни буюртма асосида ташувчи юридик шахсларга йўловчиларни ташиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун «буюртма асосида» сўзлари акс эттирилган лицензия варақалари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан берилади.

Автотранспорт воситаларида йўловчиларни буюртма асосида ташувчи

юрлик шахслар (лицензиатлар) томонидан белгиланган лицензия талаб ва шартларига риоя этилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади.

21. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

буюртма асосида фаолият юритувчи автотранспорт воситаларининг техник ҳолати ва жиҳозларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги юзасидан;

буюртма асосида фаолият юритувчи автотранспорт воситаларини бошқаришга ҳайдовчилик гувоҳномасида «В» тоифаси бўлган, 21 ёшга тўлган, тиббий кўрикдан ўтган ва камида уч йиллик ҳайдовчилик стажига эга бўлган шахсларнинг кўйилиши юзасидан назорат қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 2 апрелдаги 200-сон қарорига
3-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 июлдаги 636-сон қарори билан тасдиқланган Автомобиль транспортида йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро, шунингдек, юкларни халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 3-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Бунда йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро ташиш фаолияти ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин».

2. 9-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Амалдаги лицензия варақасига эга автотранспорт воситасига бошқа бир юридик ёки жисмоний шахсларнинг аризасига мувофиқ лицензия варақалари берилиши тақиқланади».

3. 7-иловада:

а) 5-позициянинг учинчи устуни қуйидаги мазмундаги «в» кичик банд билан тўлдирилсин:

«в) ўзини ўзи банд қилган шахснинг бир йил ичида тиббий кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот»;

б) 7-позициянинг учинчи устуни 2-бандидаги жадвал қуйидаги мазмундаги позиция билан тўлдирилсин:

«

хайдовчидан ташқари тўрттадан ортиқ бўлмаган ўриндиқларга эга бўлган энгил автотранспорт воситасида ўзини ўзи банд қилган ҳолда йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро ташиш	БХМнинг 1 баравари
---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------

»;

в) 8-позициянинг учинчи устуни қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзини ўзи банд қилган шахслар учун 1 иш куни»;

г) 9-позициянинг учинчи устунида:

«к» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«к) йўналишсиз таксиларнинг ҳамда йўловчиларни буюртма асосида ташувчи энгил автотранспорт воситаларининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги»;

қуйидаги мазмундаги «м» ва «н» кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«м) ўзини ўзи банд қилган ташувчилар ўз автотранспорт воситасини бир йилда бир маротаба техник кўриқдан ўтказиши ҳамда бир йилда бир маротаба тиббий кўриқдан ўтиши.

н) йўналишсиз таксиларнинг лицензия варақасида кўрсатилган ҳудудда ёки ёндош ҳудудда (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) фаолият кўрсатиши»;

д) 12-позициянинг учинчи устуни қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзини ўзи банд қилган шахслардан аризани кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди».

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 2 апрелдаги 200-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 18 майдаги 139-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ–352-сон Қонуни)» 2014 йил 3 мартдаги 45-сон қарорига 1-илованинг 29-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5647-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 6 мартдаги ПҚ–4230-сон қарори)» 2020 йил 8 майдаги 271-сон қарорига 1-илованинг 16-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)» 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 263-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Жамоат транспортини молиялаштиришнинг янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 18 мартдаги 116-сон қарорига 3-илованинг 2-банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
ICHKI ISHLAR VAZIRLIGINING
QARORI****135 Bojxona chegarasidan olib o‘tilayotgan avtotransport vositalarini bojxona rasmiylashtiruvidan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga qo‘shimchalar va o‘zgartirish kiritish haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
1-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2156-6*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 4-oktabrdagi 630-son “Bojxona tartib-taomillari yanada takomillashtirilganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish, shuningdek, ba‘zilarini o‘z kuchini yo‘qotgan deb hisoblash to‘g‘risida”gi va 2024-yil 26-noyabrdagi 787-son “Maxsus elektron tizim orqali ruxsat etish xususiyatiga ega ayrim hujjatlarni berish sohasidagi qonunchilik hujjatlari tizimlashtirilishi munosabati bilan Vazirlar Mahkamasining “Xalqaro yo‘llarda tashish daftarchasini qo‘llagan holda yuklarni xalqaro tashish sohasidagi ayrim normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to‘g‘risida” 2021-yil 2-dekabrdagi 727-son qaroriga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qarorlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Ichki ishlar vazirligi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo‘mitasi va Ichki ishlar vazirligining 2010-yil 28-oktabrdagi 01-02/12-8, 20-son qarori (ro‘yxat raqami 2156, 2010-yil 19-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 47-son, 439-modda) bilan tasdiqlangan Bojxona chegarasidan olib o‘tilayotgan avtotransport vositalarini bojxona rasmiylashtiruvidan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq qo‘shimchalar va o‘zgartirish kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Iqtisodiyot va moliya vaziri

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 19-mart,
241-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 1-aprelda e‘lon qilingan.

Ichki ishlar vaziri**A. TASHPULATOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 17-mart,
10-son

O‘zbekiston Respublikasi
Iqtisodiyot va moliya vazirligining
2025-yil 19-martdagi 241-son hamda
Ichki ishlar vazirligining 2025-yil 17-martdagi
10-son qaroriga
ILOVA

**Bojxona chegarasidan olib o‘tilayotgan avtotransport vositalarini
bojxona rasmiylashtiruvdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga
kiritilayotgan qo‘shimchalar va o‘zgartirish**

1. 26, 54 va 57¹-bandlar “erkin muomalaga chiqarish” degan so‘zlardan keyin “(import)” degan so‘z bilan to‘ldirilsin.

2. 52-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“52. Tovar sifatida olib kiritilgan avtotransport vositasi “erkin muomalaga chiqarish (import)” yoki “vaqtincha olib kirish” bojxona rejimiga rasmiylashtirilgandan so‘ng, TIF bojxona posti tomonidan ushbu Nizomning 5-ilovasiga muvofiq Davlat bojxona xizmatining hududiy organi tomonidan DYHXXning hududiy organlariga elektron tarzda taqdim qilinadigan ma‘lumotlar (keyingi o‘rinlarda elektron ma‘lumotlar deb yuritiladi) Bojxona qo‘mitasining elektron bazasi orqali shakllantiriladi va DYHXXga real vaqt rejimida yuboriladi”.

3. 57-band “Erkin muomalaga chiqarish” degan so‘zlardan keyin “(import)” degan so‘z bilan to‘ldirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOLIQ QO‘MITASINING
QARORI

136 Soliq to‘lovchilar to‘g‘risida hisob ma‘lumotlarini yuritish, bu ma‘lumotlarni uchinchi shaxslarga taqdim etish, shuningdek soliq to‘lovchilarning ayrim toifalari uchun ma‘lumotlar tarkibini shakllantirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
4-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3237-3*

O‘zbekiston Respublikasi Soliq kodeksi, O‘zbekiston Respublikasining 2024-yil 24-dekabrda O‘RQ–1014-son “Soliq va budget siyosatining 2025-yilga mo‘ljallangan asosiy yo‘nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi Qonuni va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 25-yanvardagi PF–14-son “Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari faoliyatini samarali yo‘lga qo‘yishga doir birinchi navbatdagi tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo‘mitasining 2020-yil 27-aprelda 2020-06-son qarori (ro‘yxat raqami 3237, 2020-yil 30-may) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 30.05.2020-y., 10/20/3237/0713-son) bilan tasdiqlangan Soliq to‘lovchilar to‘g‘risida hisob ma‘lumotlarini yuritish, bu ma‘lumotlarni uchinchi shaxslarga taqdim etish, shuningdek soliq to‘lovchilarning ayrim toifalari uchun ma‘lumotlar tarkibini shakllantirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Rais

Toshkent sh.,
2025-yil 17-mart,
2025-05-son

Sh. KUDBIYEV

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 4-aprelda e‘lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
Soliq qo‘mitasining 2025-yil 17-martdagi
2025-05-son qaroriga
ILOVA

Soliq to‘lovchilar to‘g‘risida hisob ma‘lumotlarini yuritish, bu ma‘lumotlarni uchinchi shaxslarga taqdim etish, shuningdek soliq to‘lovchilarning ayrim toifalari uchun ma‘lumotlar tarkibini shakllantirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar

1. 2-bandning o‘n to‘rtinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“bojxona organlaridan olingan import operatsiyalari to‘g‘risidagi, tovarlar bojxona chegarasini kesib o‘tganidan keyin eksport operatsiyalari bo‘yicha, shuningdek, tovarlarni olib o‘tish, shu jumladan O‘zbekiston Respublikasining bojxona chegarasi orqali elektron tijorat shaklida amalga oshirilgan tovarlarni olib o‘tish haqidagi, O‘zbekiston Respublikasi norezidentlari tomonidan O‘zbekiston Respublikasining bojxona omborlarida tovarlar saqlanayotganligi faktlari to‘g‘risidagi axborotlar;”.

2. 16-bandning birinchi xatboshisidagi “Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo‘mitasi” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. 20-bandning birinchi xatboshisidagi “Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo‘mitasining” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

137 O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining esdalik pul belgilarini tayyorlash, sotish va qaytarib xarid qilib olish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
4-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3320-1*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 25-yanvardagi PF–14-son “Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari faoliyatini samarali yo‘lga qo‘yishga doir birinchi navbatdagi tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 4-oktabrdagi 630-son “Bojxona tartib-taomillari yanada takomillashtirilganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish, shuningdek, ba’zilarini o‘z kuchini yo‘qotgan deb hisoblash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2021-yil 14-sentabrdagi 1/7-son qarori (ro‘yxat raqami 3320, 2021-yil 17-sentabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 17.09.2021-y., 10/21/3320/0879-son) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining esdalik pul belgilarini tayyorlash, sotish va qaytarib xarid qilib olish tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Rais

Toshkent sh.,
2025-yil 20-mart,
5/11-son

T. ISHMETOV

Kelishildi:

Iqtisodiyot va moliya vaziri

2025-yil 19-mart

D. KUCHKAROV

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 4-aprelda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
20-martdagi 5/11-son qaroriga
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining esdalik pul
belgilarini tayyorlash, sotish va qaytarib xarid qilib olish tartibi
to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 12-bandda:

birinchi xatboshidagi “Davlat asillik darajasini belgilash palatasi (bundan buyon matnda Asillik palatasi deb yuritiladi)” degan so'zlar “Davlat asillik darajasi nazorat inspeksiyasi (bundan buyon matnda Asillik inspeksiyasi deb yuritiladi)” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “Asillik palatasi” degan so'zlar “Asillik inspeksiyasi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. 14 va 16-bandlardagi “Asillik palatasi” degan so'zlar “Asillik inspeksiyasi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 15 va 17-bandlardagi “Asillik palatasiga” va “Asillik palatasining” degan so'zlar tegishli ravishda “Asillik inspeksiyasiga” va “Asillik inspeksiyasining” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

4. 4-ilova matnidagi “Davlat asillik darajasini belgilash palatasi” degan so'zlar “Davlat asillik darajasi nazorat inspeksiyasi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRINING
BUYRUG'I

138 “O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tashkilotlarida yakuniy davlat attestatsiyasini o'tkazish tartibi to'g'risida nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
4-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2011-4*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 13-dekabrda 836-son “Oliy va kasbiy ta'lim tashkilotlari bitiruvchilarining yakuniy davlat attestatsiyasini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi markazi hamda Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazining 2009-yil 4-sentabrdagi 39/QQ va 27/QQ-son “O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tashkilotlarida yakuniy davlat attestatsiyasini o'tkazish tartibi to'g'risida nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga (ro'yxat raqami 2011, 2009-yil 6-oktabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 41-son, 443-modda) ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

K. SHARIPOV

Toshkent sh.,
2025-yil 7-mart,
90-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 5-aprelda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirining
2025-yil 7-martdagi 90-son buyrug'iga
ILOVA

“O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tashkilotlarida yakuniy davlat attestatsiyasini o'tkazish tartibi to'g'risida nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga kiritilayotgan o'zgartirishlar

1. Qarorda:

qaror nomidagi “O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tashkilotlarida” degan so'zlar “O'rta maxsus ta'lim tashkilotlarida” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

qaror muqaddimasidagi “Ta'lim to'g'risida”gi va “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi to'g'risida”gi qonunlariga” degan so'zlar “Ta'lim to'g'risida”gi Qonuniga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

1-banddagi “O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tashkilotlarida” degan so'zlar “O'rta maxsus ta'lim tashkilotlarida” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Nizomda:

nizom nomidagi “O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tashkilotlarida” degan so'zlar “O'rta maxsus ta'lim tashkilotlarida” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

nizom muqaddimasi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom o'rta maxsus ta'lim tashkilotlari bitiruvchi o'quvchilarining (bundan buyon matnda o'quvchilar deb yuritiladi) yakuniy davlat attestatsiyasini (bundan buyon matnda yakuniy attestatsiya deb yuritiladi) tashkil etish va o'tkazish tartibini belgilaydi.”;

1-bandda:

birinchi xatboshidagi “O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tashkilotlarida (keyingi o'rinlarda) degan so'zlar “O'rta maxsus ta'lim tashkilotlarida (bundan buyon matnda) degan so'zlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

to'rtinchi xatboshi uchinchi xatboshi deb hisoblansin;

2-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2. Yakuniy attestatsiya ta'lim tashkilotlarida tashkil etiladigan yakuniy davlat attestatsiya komissiyasi (bundan buyon matnda DAK deb yuritiladi) tomonidan amalga oshiriladi.”;

3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Yakuniy attestatsiyani o'tkazish uchun DAKdan tashqari davlat imtihonlari o'tkaziladigan har bir fandan alohida Imtihon komissiyalari tashkil etiladi. Imtihon komissiyalari faoliyat yuritishda DAKga bo'ysunadi hamda hisobot beradi.”;

4-bandda:

to'rtinchi xatboshidagi “davlat imtihonlari va malakaviy bitiruv diplom ishi (loyiha)ni (keyingi o'rinlarda malakaviy ish deb yuritiladi) himoyasini” degan so'zlar “davlat imtihonlarini” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

oltinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

yettinchi xatboshi oltinchi xatboshi deb hisoblansin;

6-banddagi “o’rta maxsus, kasb-hunar ta’limi tashkilotlarida” degan so’zlar “ta’lim tashkilotlarida” degan so’zlar bilan almashtirilsin;

7-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. Yakuniy attestatsiya sinovlari davlat imtihonlari shaklida amalga oshiriladi.”;

8 va 9-bandlar o’z kuchini yo’qotgan deb topilsin;

10-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10. Yakuniy attestatsiya sinovlarining tarkibiy qismlari va ularni o’tkazish muddati ta’lim tashkilotlarining namunaviy o’quv rejasiga muvofiq belgilanadi.”;

11-banddan “va malakaviy ishni himoya qilish” degan so’zlar chiqarib tashlansin;

12-banddagi “davlat ta’lim standarti (tarmoq ta’lim standarti)ga” degan so’zlar “malaka talablariga” degan so’zlar bilan almashtirilsin;

13-banddagi “7 yoki 9 kishidan” degan so’zlar “5 yoki 7 kishidan” degan so’zlar bilan almashtirilsin;

14-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“14. Oliy ta’lim tashkilotlarining professor-o’qituvchilari, turdosh va mazkur ta’lim tashkilotining tajribali, malakali o’qituvchilari tarkibidan DAK hamda Imtixon komissiyalari shakllantiriladi.

Imtixon komissiyalari a’zolari tarkibining kamida o’ttiz foizini oliy ta’lim tashkilotlarining professor-o’qituvchilari hamda turdosh ta’lim tashkilotlarining vakillari tashkil etishi lozim.”;

15 va 16-bandlar o’z kuchini yo’qotgan deb topilsin;

18-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“18. DAK va Imtixon komissiyalari a’zolari tarkibi ta’lim tashkiloti direktorining vazirlik va idoralar, tegishli oliy ta’lim tashkilotlari va turdosh ta’lim tashkilotlari rahbarlariga yo’llagan yozma murojaatlariga ularning yuborgan rozilik xati asosida yakuniy attestatsiya boshlanishidan kamida qirq besh kun oldin shakllantiriladi.”;

19-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“19. DAK raisi yakuniy attestatsiya boshlanishidan kamida ikki hafta oldin bir yil (kalendar yil) muddatga vazirlik, idora yoki oliy ta’lim tashkiloti rahbarining, DAK a’zolari esa, ta’lim tashkiloti direktorining buyrug’i bilan tasdiqlanadi.”;

20-banddan “va kasb-hunar kollejarida ish beruvchi tashkilotlar” degan so’zlar chiqarib tashlansin;

21-banddan “tegishli yo’nalish (mutaxassislik) bo’yicha” degan so’zlar chiqarib tashlansin;

26-banddagi “belgilangan tartibda o’rta maxsus, kasb-hunar ta’lim tashkilotini” degan so’zlar “ta’lim tashkilotini” degan so’zlar bilan almashtirilsin;

27-banddagi “imtiyozli diplom” degan so’zlar “a’lo darajali diplom” degan so’zlar bilan almashtirilsin;

28-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“28. Yakuniy attestatsiya sinovlarining birortasidan “2” (qoniqarsiz) baho olgan yoki unga uzrli sabab (o’quvchining yoki yaqin qarindoshining betoblighi (tibbiy ma’lumotnoma asosida), yo’l-transport hodisasi, yaqin qarindoshining

vafoti, yaqin qarindoshining nikoh tuzishi, respublika yoki xalqaro olimpiada va tanlovlarda ta'lim tashkiloti nomidan ishtirok etganligi, O'zbekiston Respublikasidan tashqarida bo'lishi sababli) bilan kelmagan o'quvchi boshqa sinovlar (davlat imtihonlari)ni topshirish huquqidan mahrum etilmaydi.

Yakuniy attestatsiya sinovlarining birortasidan "2" (qoniqarsiz) baho olgan yoki unga uzrli sabab bilan ishtirok eta olmagan o'quvchilarga shu o'quv yilida DAK faoliyati yakuniga qadar tegishli imtihonni bir marta qayta topshirishga ruxsat beriladi.

Qayta topshirish jarayonlari attestatsiya tugaganidan so'ng o'quvchining arizasiga muvofiq bir oy ichida o'tkaziladi.”;

29-bandda “O'rta maxsus, kasb-hunar ta'lim tashkilotining belgilangan davlat ta'lim standartlariga” va “3-bosqich” degan so'zlar tegishli ravishda “O'rta maxsus ta'limning davlat ta'lim standartiga” va “2-bosqich” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

30-bandda:

birinchi xatboshidagi “3-bosqichda” degan so'zlar “2-bosqichda” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “3-bosqichda qayta o'qish uchun ariza bermagan o'quvchiga o'rta maxsus, kasb-hunar ta'lim tashkilotining” degan so'zlar “2-bosqichda qayta o'qish uchun ariza bermagan o'quvchiga ta'lim tashkilotining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

2-paragraf nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2-§. Ta'lim tashkilotlarida davlat imtihonlarini tashkil etish va o'tkazish”;

31-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“31. Davlat imtihonlari ona tili va adabiyot, O'zbekiston tarixi va ta'lim yo'nalishining namunaviy o'quv rejasida belgilangan ikkita chuqurlashtirilgan fanlar bo'yicha o'tkaziladigan imtihonlardan iborat.”;

32-band o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin;

33-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“33. Imtihonlar ona tili va adabiyot fanidan insho, matematika fanidan yozma, O'zbekiston tarixi fanidan test va qolgan fanlardan og'zaki sinovlar ko'rinishida o'tkaziladi.

Ta'lim yo'nalishlarining xususiyatlaridan kelib chiqib, ayrim yo'nalishlarda chuqurlashtirilgan fandan davlat imtihoni ijodiy imtihon ko'rinishida o'tkazilishi mumkin.”;

34-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“34. Davlat imtihonlari materiallari hamda mezonlari, ijodiy imtihonni o'tkazish tartibi Imtihon komissiyalari tomonidan ishlab chiqiladi hamda DAK raisi tomonidan tasdiqlanadi.”;

35-banddagi “O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2000-yil 16-oktabrdagi 400-son “O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida”gi qaroriga” degan so'zlar “O'rta maxsus ta'limning davlat ta'lim standartiga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

3-paragraph nomi chiqarib tashlansin;

36-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“36. O‘zbekiston tarixi bo‘yicha o‘tkaziladigan test sinovlarini xolisona va adolatli o‘tkazish DAK va Imtihon komissiyasi a‘zolari, auditoriya rahbari va kuzatuvchisi zimmasiga yuklatiladi.”;

37-banddagi “o‘rta maxsus, kasb-hunar ta‘lim tashkilotlarining pedagog (test o‘tkaziladigan fan o‘qituvchilaridan tashqari), muhandis-pedagog, ishlab chiqarish ta‘limi ustasi” degan so‘zlar “ta‘lim tashkilotlarining pedagog o‘qituvchilari (test o‘tkaziladigan fan o‘qituvchilaridan tashqari)” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

38-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“38. Test sinovlari topshiriqlari to‘plami o‘quv dasturlari mazmunini to‘liq qamrab olgan holda ta‘lim tashkiloti o‘qituvchilari tomonidan shakllantiriladi, tegishli bo‘lim (kafedra)larda muhokama qilinadi.

Ta‘lim tashkiloti tomonidan test sinovlari topshiriqlari namunalari kamida bir oy oldin o‘quvchilarning e‘tiboriga yetkazilishi lozim.”;

40-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“40. Test sinovlari topshiriqlari fan dasturlari doirasida tuziladi. Test sinovlari topshiriqlari soni o‘quv guruhlarini sonidan kam bo‘lmasligi kerak.”;

43-banddagi “72 ta” degan so‘zlar “50 ta” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

4-paragraph va V bob o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin;

90-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“90. Ushbu Nizom idoraviy bo‘ysunishidan qat‘i nazar, O‘zbekiston Respublikasidagi barcha ta‘lim tashkilotlariga tatbiq etiladi, bundan Toshkent davlat yuridik universiteti huzuridagi akademik litseylar mustasno.”;

91-banddagi “o‘rta maxsus, kasb-hunar ta‘limi tashkilotlarining” degan so‘zlar “ta‘lim tashkilotlarining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING
BUYRUG‘I

139 Bog‘lar hamda madaniyat va istirohat bog‘lari xodimlari
uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalariga o‘zgartirishlar
kiritish to‘g‘risida

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
4-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2160-2*

O‘zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 26-dekabrda 886-son “Attraksionlar xavfsizligi to‘g‘risidagi texnik reglamentni hamda Attraksionlarni hisobga olish va davlat reyestrini yuritish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 27-noyabrda 192-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2160, 2010-yil 6-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 49-son, 461-modda) bilan tasdiqlangan Bog‘lar hamda madaniyat va istirohat bog‘lari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalariga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

Toshkent sh.,
2025-yil 27-mart,
6-2025/B-son

B. ZAXIDOV

Kelishildi:

**Qurilish va uy-joy kommunal
xo‘jaligi vaziri**

2025-yil 21-mart

Sh. XIDOYATOV

O'zbekiston Respublikasi
kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining
2025-yil 27-martdagi 6-2025/B-son buyrug'iga
ILOVA

**Bog'lar hamda madaniyat va istirohat bog'lari xodimlari
uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalariga kiritilayotgan
o'zgartirishlar**

1. 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”.

2. 5, 6 va 13-bandlar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

3. 14-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“14. Ishlarni texnologik reglament bo'yicha xavfsiz yuritish yo'riqnomalari ishlab chiqiladi hamda bog' xodimlarini va ish joylarini ushbu yo'riqnomalar bilan ta'minlash bog' rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”.

4. 33-banddagi “tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

5. 34 va 35-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“34. Majburiy tibbiy ko'riklar bog'ga tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo'lmagan taqdirda esa bog' joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o'tkazilishi lozim.

35. Majburiy tibbiy ko'rikdan o'tmagan yoxud majburiy tibbiy ko'rik natijalariga ko'ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo'yin tovlagan xodimlarni ishdan chetlashtirishi shart.”.

6. 36-banddagi “tibbiy ko'riklar” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

7. 38-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“38. Bog' maydonlari va binolarning joylashuvi SHNQ 2.07.01-23 “Aholi punktlarining hududlarini rivojlantirish va qurishni shaharsozlik jihatidan rejalashtirish” talablariga mos bo'lishi kerak.”.

8. 44 va 45-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“44. Ishlab chiqarish binolari va inshootlari SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga mos kelishi kerak.

45. Yordamchi binolar va xonalar SHNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga mos kelishi lozim.”.

9. 56-banddagi “QMQ 2.01.05-98” degan so'zlar “SHNQ 2.01.05-24” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

10. 63-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, shamollatish va konditsionerlash” degan so'zlar “SHNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

11. 69-banddagi “QMQ 2.04.01-98 “Binolarni ichki suv quvuri va

kanalizatsiyasi” degan soʻzlar “SHNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

12. 144-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“144. Attraksionlarni montaj qilish (yigʻish, oʻrnatish), uning konstruksiyalarini almashtirish bilan bogʻliq montaj va taʼmirlash ishlari faqat attraksionning ekspluatatsiya va taʼmirlash hujjatlari asosida ruxsatnomaga ega ixtisoslashtirilgan montaj tashkiloti tomonidan amalga oshirilishi kerak.”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
BOSH PROKURATURASI HUZURIDAGI
IQTISODIY JINOYATLARGA QARSHI KURASHISH
DEPARTAMENTINING
QARORI

140 Tijorat banklarida jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalariga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
4-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2886-11*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi va “Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi va O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi va O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Soliq, valyutaga oid jinoyatlarga va jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish departamentining 2017-yil 17-apreldagi 343-V va 14-son qarori (ro‘yxat raqami 2886, 2017-yil 23-may) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017-y., 21-son, 401-modda) bilan tasdiqlangan Tijorat banklarida jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalariga ilovaga muvofiq qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Markaziy banki raisi

T. ISHMETOV

Toshkent sh.,
2025-yil 28-fevral,
343-B-13-son

**Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi
kurashish departamenti boshlig‘i****Sh. SOXIBNAZAROV**

Toshkent sh.,
2025-yil 14-fevral,
12-son

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
28-fevraldagi 343-B-13-son va Bosh
prokuratura huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga
qarshi kurashish departamentining 2025-yil
14-fevraldagi 12-son qaroriga
ILOVA

**Tijorat banklarida jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni
legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy
qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish
bo‘yicha ichki nazorat qoidalariga kiritilayotgan qo‘shimcha va
o‘zgartirishlar**

1. 1-band quyidagi mazmundagi xatboshilar bilan to‘ldirilsin:

“**nominant** — jismoniy (jismoniy shaxslar guruhi) yoki yuridik shaxs tomonidan uning nomidan tashkilotga nisbatan muayyan maqomda ish yuritish uchun tayinlangan jismoniy yoki yuridik shaxs;

nominator — nominantga bevosita yoki bilvosita o‘z nomidan direktor yoki aksiyador sifatida harakat qilish to‘g‘risida ko‘rsatma beradigan jismoniy (jismoniy shaxslar guruhi) yoki yuridik shaxs;

aniqlik darajasi — tijorat bankinging avtomatlashtirilgan axborot tizimlarida operatsiya ishtirokchilaridan birining identifikatsiya ma‘lumotlari Ro‘yxatdagi shaxslarning identifikatsiya ma‘lumotlari bilan solishtirish jarayonida mos kelish darajasini ifodalovchi ko‘rsatkich.”

2. 6-bandning o‘ninchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Ro‘yxatga kiritilgan shaxslarning operatsiyasini aniqlash hamda ushbu operatsiyalarni kechiktirmasdan va oldindan xabar qilmasdan to‘xtatib turish (yuridik yoki jismoniy shaxsning hisobvarag‘iga tushgan pul mablag‘larini hisobga kiritish bo‘yicha operatsiyalar bundan mustasno) va (yoki) pul mablag‘larini yoki boshqa mol-mulkini ishga solmay to‘xtatib qo‘yish hamda to‘xtatib turilgan operatsiyalarni hamda ishga solmay to‘xtatib qo‘yilgan pul mablag‘lari yoki boshqa mol-mulklarni doimiy nazorat va monitoring qilish tartibi;”

3. 10-bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Filiallari va/yoki bank xizmatlari ofislari soni 50 ta yoki undan ortiq bo‘lgan tijorat banklarining bosh ofisidagi Ichki nazorat xizmati shtat birligi 10 tadan kam bo‘lmasligi lozim.”

4. 22-bandning “a” kichik bandi quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“jismoniy shaxs bank mobil ilovasi orqali akkaunt ochish uchun murojaat qilganda;”.

5. Quyidagi mazmundagi 24¹-band bilan to'ldirilsin:

“24¹. Tijorat banklari axborot tizimlaridagi aniqlik darajasini har bir xizmat yoki operatsiya toifasining tavakkalchilik darajasidan kelib chiqqan holda belgilashi kerak.

Aniqlik darajasi operatsiya ishtirokchilari identifikatsiya ma'lumotlarining har bir elementi bo'yicha alohida belgilanishi lozim.”.

6. Quyidagi mazmundagi 27¹-band bilan to'ldirilsin:

“27¹. Tijorat banklari yuridik shaxslarni lozim darajada tekshirish jarayonida mijozning direktori yoki ta'sisчилari (aksiyadorlari, ishtirokchilari) nominant ekanligi aniqlagan taqdirda, bu haqida va nominator to'g'risida maxsus vakolatli davlat organiga xabar berishi lozim.”.

7. 38¹-bandda:

birinchi va ikkinchi xatboshilardagi “36” raqami “30” raqami bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“Tijorat banklari mazkur Qoidalarning 76-bandiga muvofiq pul mablag'lari yoki boshqa mol-mulkdan foydalanishga ruxsat berilgan operatsiya sifatida ichki elektron pul o'tkazmalarini amalga oshirishda ularni tomonlardan biri Ro'yxatga kiritilgan shaxs ekanligi haqidagi ma'lumotlar bilan birga oluvchi bankka yuborilishini ta'minlashlari kerak.”.

8. 48-bandda:

o'n uchinchi, o'n beshinchi, o'n oltinchi, o'n to'qqizinchi va yigirma birinchi xatboshilardagi “500” raqami “1000” raqami bilan almashtirilsin;

o'n to'rtinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

o'n beshinchi — yigirma birinchi xatboshilar tegishli ravishda o'n to'rtinchi — yigirmanchi xatboshilar deb hisoblansin;

o'n oltinchi xatboshi chiqarib tashlansin;

o'n yettinchi — yigirmanchi xatboshilar tegishli ravishda o'n oltinchi — o'n to'qqizinchi xatboshilar deb hisoblansin.

9. 49-bandda:

uchinchi va to'rtinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“jismoniy shaxslar tomonidan (shu jumladan, bir nechta jismoniy shaxslar tomonidan bir kontragent nomiga), shu jumladan, pul o'tkazmalari tizimlari orqali bir vaqtda yoki ko'p marotaba 30 kundan oshmagan muddat davomida bazaviy hisoblash miqdorining 1000 baravariga teng yoki undan oshadigan umumiy summada chet el valyutasida chet eldan jo'natilgan pul mablag'lari olinishi yoki chet elga pul mablag'lari jo'natilishi;

jismoniy shaxslar va/yoki yakka tartibdagi tadbirkorlar tomonidan bir vaqtda yoki ko'p marotaba 30 kundan oshmagan muddat davomida bazaviy hisoblash miqdorining 1000 baravariga teng yoki undan oshadigan umumiy summada chet el valyutasidagi pul mablag'lari sotilishi, sotib olinishi yoki xalqaro to'lov kartalaridan naqd pul ko'rinishida yechib olinishi;”;

yettinchi, o'n beshinchi, o'n yettinchi — o'n to'qqizinchi xatboshilardagi "500" raqami "1000" raqami bilan almashtirilsin;

o'n to'rtinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"davlat ro'yxatidan o'tganiga yoki qayta ro'yxatdan o'tganiga yoxud bankda hisobvaraқ ochganiga uch oydan ko'p bo'lmagan yuridik shaxsning pul aylanmasi bazaviy hisoblash miqdorining 20000 baravariga teng yoki undan oshsa;"

quyidagi mazmundagi xatboshilar bilan to'ldirilsin:

"norezident shaxsdan (agar bunday ma'lumotlar tijorat bankiga ma'lum bo'lsa) rezident jismoniy shaxsga bir vaqtda yoki ko'p marotaba 30 kundan oshmagan muddat davomida bazaviy hisoblash miqdorining 1000 baravariga teng yoki undan oshadigan umumiy summada chet el valyutasidagi pul mablag'larining kelib tushishi;

hisob-kitoblarni amalga oshirish tartibi mijozning odatiy faoliyatidan farq qiluvchi nostandart yoki g'ayrioddiy murakkab sxemalardan iborat bo'lishi;

yuridik shaxslar yoki yakka tartibdagi tadbirkorlar hisobvaraqlaridan jismoniy shaxs hisobvaraг'iga operatsiya amalga oshirilish kuniga belgilangan bazaviy hisoblash miqdorining 1000 baravariga teng yoki undan oshadigan summadagi pul mablag'larining moliyaviy yordam yoki qarз sifatida ko'chirilishi;

yuridik shaxslar yoki yakka tartibdagi tadbirkorlarning hisobvaraqlaridan faqat tovarlar importi uchun chiqarilgan xorijiy valyutalar bo'yicha shartnoma predmetini xizmat ko'rsatishga o'zgartirilishi yoki debitor qarzdorlikni xizmat ko'rsatish orqali so'ndirilishi, basharti uning qiymati bazaviy hisoblash miqdorining 20000 baravariga teng yoki undan oshsa."

10. 52-bandda:

quyidagi mazmundagi uchinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

"Barcha identifikatsiya ma'lumotlari Ro'yxatga kiritilgan shaxsning ma'lumotlari bilan to'liq mos kelgan mijoz hisobvaraқ ochish uchun qilgan murojaati bilan ochish so'ralgan hisobvaraқqa kirim qilinishi lozim bo'lgan pul mablag'larini taqdim qilsa, tijorat banki bu operatsiyani kechiktirmasdan va oldindan xabar qilmasdan to'xtatib turadi va pul mablag'larini alohida tranzit hisobvaraқqa kirim qilib, ishga solmay to'xtatib qo'yadi.";

uchinchi — yettinchi xatboshilar tegishli ravishda to'rtinchi — sakkizinchi xatboshilar deb hisoblansin.

11. 55-band quyidagi mazmundagi 1³-kichik band bilan to'ldirilsin:

"1³) bir vaqtning o'zida rahbari va ta'sischilari/benefitsiar mulkdorlari o'zгargan yuridik shaxslar (agar bunday ma'lumotlar tijorat bankiga ma'lum bo'lsa);"

12. 74-bandning to'qqizinchi xatboshisidagi "xabardor qilishga haqli" degan so'zlar "xabardor qilishi lozim" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

13. 1-ilovaning 7-bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"7. Telefon raqami (agar mavjud bo'lsa)."

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 19-martdagi 241-son hamda Ichki ishlar vazirligining 2025-yil 17-martdagi 10-son “ Bojxona chegarasidan olib o‘tilayotgan avtotransport vositalarini bojxona rasmiylashtiruvidan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga qo‘shimchalar va o‘zgartirish kiritish haqida”gi qarori.

2025-yil 1-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2156-6.

2. O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasining 2025-yil 17-martdagi 2025-05-son “Soliq to‘lovchilar to‘g‘risida hisob ma‘lumotlarini yuritish, bu ma‘lumotlarni uchinchi shaxslarga taqdim etish, shuningdek soliq to‘lovchilarning ayrim toifalari uchun ma‘lumotlar tarkibini shakllantirish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

2025-yil 4-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3237-3.

3. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 20-martdagi 5/11-son “O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining esdalik pul belgilarini tayyorlash, sotish va qaytarib xarid qilib olish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

2025-yil 4-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3320-1.

4. O‘zbekiston Respublikasi oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2025-yil 7-martdagi 90-son “O‘rta maxsus, kasb-hunar ta‘limi tashkilotlarida yakuniy davlat attestatsiyasini o‘tkazish tartibi to‘g‘risida nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 4-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2011-4.

5. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 27-martdagi 6-2025/B-son “Bog‘lar hamda madaniyat va istirohat bog‘lari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 4-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2160-2.

6. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 28-fevraldagi 343-B-13-son va Bosh prokuratura huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining 2025-yil 14-fevraldagi 12-son “Tijorat banklarida jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga

qarshi kurashish bo'yicha ichki nazorat qoidalariga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 4-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2886-11.

